ОТАРЛАРДА ЧИРОҚ МИЛТИРАР

НУКУС. Элликқалъа туман ҳокимлиги ва ХДП туман кенгаши Қизилқум кенгликларидаги отарларни қишдан талофатсиз олиб чиқиш йўлида саъй-ҳаракат қилишмоқда. Қуруқ совуқ изиллаётган яйловлардаги чўпонларга ёрдам уюштирилди. "Буханмерей" қоракўлчилик ижара хўжалиги чўпонларини корхона, ташкилот, бошқарма ва бирлашмалар оталиққа олишди. Ҳар бир чўпон оиласига икки қопдан ун, йигирма килодан пахта ёғи, беш килограммдан қанд, кир совун, гугурт каби рўзғорбоп маҳсулотлар билан ёрдам кўрсатилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

БУХОРО. Ўзбекистон — Америка ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда. Илгари ғалла ўримига икки, ҳатто уч ойлаб вақт сарфланарди. АҚШнинг "Кейс" русумли қишлоқ хўжалик техникаси келтирилганидан бери бу муаммо ечимини топяпти. Жумладан, етиштирилган 135 минг тонна дон қисқа вақтда ўриб олинди. Ерларни шудгорлаш якунланяпти. Хориждан келтирилган еттита "Магнум — 7240" русумли ҳайдов тракторлари жуда серунумлиги билан механизаторларимизга маъқул тушмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

ОЛМОН РАССОМИ КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТ. Республика санъат музейида немис рассоми Кэт Колльвитц мўйқаламига мансуб асарлар кўргазмаси очилди. Асарларда XIX аср охири XX аср биринчи ярмига хос воқеликлар ўз ифодасини топган. Чунончи, "Тўқувчилар қўзғолони", "Деҳқонлар уруши", "Уруш", "Ажал" туркумидаги асарларда инсон тақдири, ёвузликнинг енгилиши ва адолат ғоялари илгари сурилган.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

ЎТКИР ЗЕҲНЛИЛАР КЎРИГИ

ФАРҒОНА. Вилоят олий ва ўрта махсус таълим билим юртлари ўртасида "Зукко талаба" кўрик-танлови ўтказилди. Ю. Шакаржонов номли вилоят мусиқали драма театрида кўрикнинг якуний белашуви уюштирилди. Билимдонлик ва ўткир зеҳнлилар кўриги ғолиби бўлиш Фарғона политехника институтининг "Иқтидор" жамоасига насиб этди. Ғолибларга пул ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Алишер ИБОДИНОВ.

МУРОДБАХШ КУНЛАР

ҚАШҚАДАРЁ. Вилоят ҳокимлигининг ҳар ойнинг биринчи жумасини "Мактаблар", сўнгги жумасини "Маънавият ва маърифат" кунлари деб эълон қилиши кўпчиликка маъқул келмоқда. Бундай муродбахш кунларда йирик ташкилот ва корхона мутахассислари ҳамда маҳалла оқсоқоллари билан мулоқотлар ташкил этилади. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва маънавият бобидаги саъй-ҳаракатлар хусусида суҳбатлар уюштирилади.

Юнус УЗОҚОВ.

ПАРТИЯДОШ – ОБУНАГА БОШ

СИРДАРЁ. Янгиер шаҳрида ЎзХДП нашрларига обуна уюштириш тадбирлари қизғин кетмоқда. Партия шаҳар кенгаши юз эллик нафар фаолни обуна ишларига жалб этган. Жумладан, Ховос дон маҳсулотлари комбинати директори К. Холиқбердиев билан партия ташкилоти котиби Б. Раҳматуллаев 15 кишини газета-журналга обуна қилишди. Шунингдек, Ховос нефть базасида 13, "Янгиерсавдо"да 10, шаҳар маориф бўлимида 27 киши "Ўзбекистон овози", "Голос Узбекистана" газеталарига обунани ташкил этдилар.

С. КАРИМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 19 декабрь, пайшанба № 161 (22.082).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ХАЛҚ КЎНГЛИДАГИ ГАПЛАР

Президентимизнинг Бухоро вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи барча минтақалар ва жабҳаларга бирдай дахлдордир. Қуйида тақдим этилаётган хабарлар бу фикрни исботлайди.

САҚИЧ СЕРОБ, ЛЕКИН...

Хайратдан ёқа ушлайсан, бош қашлайсан киши... Туршаклар тури қурт ва қоқиларнинг турфа хилини, қандолат ҳамда қандолатчиликнинг сиру синоатини обдон биладиган халқимиз оддий сақичга қолганда оқсаса-я?!

Модомики сақич шунчалик зарур бўлса нега уни ўзимизда ишлаб чиқармаймиз?

Нима учун доллар ва валюта ҳисобига нуқул чет элдан сақич олиб келамиз? Ҳозир қайси бозорга ёхуд тижорат дўконига қараманг Туркия, Эрон, Америка, Хитой сақичларини, ширинликларини кўрамиз. Бундан Навоий вилояти ва шаҳри бозорлари ҳам мустасно эмас. Уларнинг ялтироқ, бежирим қоғозларига учиб билиб-билмай пул совурамиз. Айниқса, ўспирин болакайларни, мактаб ўқувчиларининг сақичга ўчлигини айтмайсизми?

Бизнингча , эндиликда пазанда, қўли гул халқимиз нишолда, ҳолва, парварда, новвот сингари хорижникидан асло қолишмайдиган ширинлик ва сақич турларини ҳам тайёрлаш йўлларини астойдил эгаллаб олишлари шубҳасиз. Уддабурон, чапдаст йигитларимиз ишбилармон ёшларимиз ҳадемай хориж технологияси, асбоб-ускуналари асосида ихчам сақич цехлари ва корхоналари очишади. Бунга тўлиқ асосимиз бор. Чунки, ҳеч ким чет эл сақичлари умрни узайтиради ёхуд тишларни мустаҳкамлайди дея кафолат бермайди-ку! Шу боис ҳам юртбошимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида боқимандаликни, тайёрга айёрликни кескин танқид қилди. Чет эллардан ялтир-юлтир маҳсулотларни эмас, балки илғор технологияни, замонавий асбоб-ускуналарни олиб келиш мақсадга мувофиқ эканлигини алоҳида таъкидлади. Фақат ўз чўнтагини ўйлаган айрим «ишбилармонлар» эса зарур моллар ўрнига нуқул сақич ва ширинликлар олиб келишяпти.

Энди кўзимиз очилиши керак.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МОЛЛАР МУСИҚА ТИНГЛАЙДИМИ?

Ёки фермалар кимга сотиляпти?

Ҳа, кулманг моллар мусиқа тинглайдими ёки ейдими? Тингласа-тинглар-ку, лекин мусиқа озуқа бўлмайди!

Бухородаги сессияда юртбошимиз фермер хўжаликларида моллар бош сони камайиб кетаётганлигини кескин танқид қилдилар. Кошкийди, буни Мирзачўл тумани раҳбарлари ҳам тушунишса... Агар тушунганларида бултур шу кезларида «Тошкент» ижара ширкатлари бирлашмасига қарашли чорвачилик фермасини 324 бош сигир-буқаси билан 4 миллион 174 минг сўмга нархлаб, Илёсбек Айтбоев деган мусиқачига насияга топширишмасди. Илёсбек молларни қабул қилиб олди-ю, худди хазинага йўлиққандек босар-тусарини билмай қолди. Ялло авжида, туёқ ва маҳсулотлар кун сайин камая борди.

Илёсбек қабул қилиб олган 324 бош қорамолнинг 300 бошини аллақачон гумдон қилган экан. Ҳар куни биттадан молни ҳазм қилаверибди!

«Қовун қовундан ранг олади» деган мақолни ким ижод қилган бўлса ҳам отасига балли! Қўшни «Пахтазор» ширкат хўжаликлари бирлашмаси фермасини сотиб олган тўрт «азамат» — Абдумалик Дарвишев, Исмат Биймонов, Муртоз Мавлонов ва Ўсарбой Қамбарбековлар ўз тасарруфларидаги 490 бош қорамолнинг 130 бошини ўн ойга етказмай чиқим қилиб юборишди. Улар «Бўйнимизда 3 миллион 132 минг сўм қарзимиз бор-ку, аввал ундан қутулайлик-да», дейишмади, ҳам-а! «Ўзбекистон» ижара ширкатлар бирлашмаси чорвачилик фермасидаги йил бошида ҳисобга олинган 391 бош қорамолдан ҳозирга келиб 56 бош қолди, холос.

Энди жамлаб гапирадиган бўлсак, туманда бултур шу пайтдаги 2 минг бош қорамолнинг минг боши йўқ.

Туманда чорва молларини ҳақиқий эгасига топширмаслик касали шундай аянчли аҳволга олиб келмоқда.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИНСОФГА ДАЪВАТ

Президентимиз Бухорода сўзлаган нуткида экинзорларни пайхон қилиш гунох эмасми, дедилар. Баъзан барқ урган қишлоқ хўжалик экинларини пайхон қилиш ҳолларига чидаб бўлмайди. Бунга қарши Наманганда самарали чоралар қўлланиляпти. Бироқ кўпчиликнинг иши кийин экан. Шу боис вилоят ҳокимлиги бу масалага ўзига хос ёндашди.

Вилоят ҳокими ва вилоятнинг пешқадам кишилари барча аҳолига экинларни пайхон қилмаслик юзасидан мурожаат қилдилар. Инсофга даъват этувчи мурожаатнома вилоят оммавий ахборот воситаларида чоп этилди, йиғилишларда ўқиб эшиттирилди. Натижаси сезиляпти.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭРТАГА КЕЧ БЎЛАДИ

Санъат олами ҳеч қачон миллат, элат танламайди. Уни таржимонсиз тушунишади. Шу боис ҳам дунёнинг қай бурчагига борсак, Ўзбекистон ва ўзбек халқи билан фахрланамиз. Булар бизнинг ғуруримизни оширади. Лекин...

Ўз юртимизда, айниқса вилоятларда, қолаверса, чекка жойларда маърифат ва маданият муассасаларига бўлган эътибор мени ўйлантириб қўяди. Кўпинча хизмат сафари билан мамлакатимизнинг барча вилоятларига борамиз. Эски даврда қурилган мактаблару номигагина «фаолият» кўрсатиб турган клубларни кўриб кўнгиллар эзилади. Кеча эса мамлакатимиз Президентининг халқ депутатлари Бухоро вилояти сессиясида айтган дардли сўзларини эшитиб, ўша манзаралар — кўрганларимиз бир-бир кўз олдимдан ўтди. Ахир «улуғ халқнинг фарзандларимиз, бизнинг ота-боболаримиз жаҳон илму фани тараққиётига тенгсиз хизмат қилган «дея мақтанишни биламизу, бироқ ўша зотлар меросини, истиқлол ғояларини эртанги кун эгалари қалбига сингдиришда бепарволик қилаяпмиз.

Бугун бу юртда ўзгача ҳаво, ўзгача руҳ. Маънавият ва маърифатга катта эътибор берилаётган бир пайтда юқоридагидек ачинарли бўлмиш манзаралар, маърифат ўчоқларидаги кўнгилсиз ҳолатларни тезроқ тузатмасак, эртага кеч бўлади.

Замира НОМОЗОВА,
«Ўзбекнаво» ижодий бирлашмаси ҳузуридаги «Зарафшон» дастаси яккахон хонандаси.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Анқара шаҳрида Ўзбекистон — Туркия дўстлик жамияти ва Туркия — Ўзбекистон дўстлик жамияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Ана шу аҳдлашувга кўра, томонлар икки халқ вакиллари ўртасидаги маданий ва илмий алоқаларни янада кенгайтириш, тарихимизнинг муштарак саналарини биргаликда нишонлаш, туркий халқларнинг бой маданий меросини оммалаштириш сингари долзарб вазифаларни ўз зиммаларига оладилар.

— Ўзбекистон — Туркия дўстлик жамияти 1991 йил январь ойида таъсис этилган эди. Маълумки, халқ дипломатияси мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади, — деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон — Туркия дўстлик жамияти президенти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Иброҳимжон Искандаров.

Бу жамиятнинг таъсис этилиши қардош ва қондош икки халқнинг бир-бирига меҳри ва эҳтироми белгиси эди. Ўтган йиллар мобайнида ўзаро муносабатлар миқёси анча кенгайди. Туркияда ўзбек рассомлари, шоир ва ёзувчилари, олимлари тез-тез меҳмон бўлиб турибдилар. Ўз навбатида туркиялик санъат ва маданият аҳлларининг мамлакатимизга ташрифлари ҳам яхши анъана бўлиб қолди. Биргаликда кўргазмалар ташкил қилиняпти, китоблар чоп этилмоқда.

Туркияда ҳам Ўзбекистон билан дўстлик жамияти мавжуд. У анча хайрли ишларни амалга оширмоқда. Режалар кўлами иккала мамлакат дўстлик жамиятлари фаолиятини мувофиқлаштириш заруратини кун тартибига қўйди. Шу мақсадда Ўзбекистон халқаро алоқалар миллий ассоциацияси бўлим мудири Абдулҳалим Раҳимов, ёзувчи Тоҳир Малик, шарқшунос Анвар Қосимовлардан иборат ҳайъатнинг Туркияга, ташрифидан мақсад мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги биродарона алоқаларни янада фаоллаштиришга хизмат қилишдан иборат.

Ўзбекистон — Туркия дўстлик жамияти ҳайъати аъзолари Туркия маданият вазири Исмоил Қаҳрамон, Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги бош директори Нежати Ўтган томонидан қабул қилиндилар, Тарих жамияти, «Юксел» ширкати, Анқара университети раҳбарлари билан учрашдилар. Анқара ва Истанбул шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Н. МУҲАММАДИЕВ,
«Жаҳон» Ахборот агентлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада иқтисодиётнинг юксалишига, барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, минерал хом ашё негизини ривожлантиришга ўзининг кўп йиллик ҳалол меҳнати билан катта ҳисса қўшганлиги ҳамда жамоат ҳаётида фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Суюнов Олим — «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси Зарафшон геология қидирув экспедициясининг бурғилаш устаси

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Перевозчиков Геральд Владимирович — «Қизилтепагеология» давлат геология корхонаси 1-геология-экология комплекс экспедициясининг бош геологи

Яхшиев Ахатбой Турсунович — «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси кокпатас геология қидирув экспедициясининг бурғилаш устаси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Бозоров Шерданакул — Ўзбекистон Республикаси хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизматига қарашли Сурхондарё давлат кузатиш станцияси бошлиғи

Жабборов Рашид Азизович — «Тошкентгеология» давлат геология корхонаси геологик тасвирлаш ва изланиш гуруҳи бош геологи

Позилова Дилора Асадуллаевна — давлат геология фонди иқтисодий ахборотни автоматлаштирилган тарзда ишлаш партиясининг бошлиғи

Салоҳитдинов Алмаз Нуритдинович — Ўзбекистон Республикаси хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизматининг Самарқанд кузатиш ва гидрогеология станцияси бошлиғи

Тойиров Тоштемир — «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси Қизилқум геология қидирув экспедициясининг кон қазувчиси

Гофуров Деҳқонбой — «Тошкентгеология» давлат геология корхонаси шарқий қурама геология қидирув экспедициясининг бошлиғи

ҚУЙИДАГИЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН:

Каримов Холмурод Каримович — «Қизилтепагеология» давлат геология корхонаси бош геологи

Клименко Борис Дмитриевич — «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси Зарафшон геология қидирув экспедициясининг бош геологи

Мамажонов Эгамберди — «Ўзбекгидрогеология» давлат геология корхонаси Фарғона гидрогеология экспедициясининг бурғилаш устаси

ВА ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Мақсумов Саъдулла Абдуллаевич — «Геобурғилаштехника» акциядорлик жамияти токари

Меҳмонов Имомали — «Тошкентгеология» давлат геология корхонаси геологик қидирув партиясининг геологи

Пирназаров Мажид — Минерал ресурслар илмий-текшириш институти катта илмий ходими

Рўзимуродов Файзи — «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси Зармитон геология қидирув экспедициясининг бурғиловчиси

Шоймуратов Тўйчи Холиқулович — «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси Қашқадарё геология қидирув экспедициясининг бош геологи

Қосимов Рўзимурод — «Қизилтепагеология» давлат геология корхонаси 18-геология қидирув экспедициясининг бурғилаш қурилмаси машинисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 18 декабрь.

Таҳлил ва сабоқ

МУРОЖААТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

НУКУС. Бўлиб ўтган биринчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаси тўқкизинчи сессиясида республика агросаноат комплекси ходимлари ва халқига мурожаат қабул қилинди. Унда Қорақалпоғистонда кейинги йилларда пахта тайёрлаш режаси бажарилмаётгани, шоли, бугдой ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олинмаётгани, сабзавот, полиз, картошка ва мева етиштириш талаб даражасида эмаслиги, чорвачиликда оқсаш, хусусан, қорамол, қўй-эчкилар бош сонининг камайиб кетганлиги алоҳида қайд этилди.

Бу йил йўл қўйилган хато ва камчиликлардан хулоса чиқариб, келаси йил режалари ҳақида фикр юритилди. Экин майдонларидан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, текислаш, суғориш, ариқ-зовурлар ва дренаж тармоқларини тозалаш, алмашлаб экишга амал қилиш, сифатли шудгор, ўғитлаш, қишлоқ хўжалик техникасидан унумли фойдаланиш ва тежамкорликка аҳамият бериш ҳақидаги масалаларга эътибор қаратилди.

Ўз мухбиримиздан.

«АНДИЖОН УСУЛИ» ОММАЛАШАДИ

Андижонда плёнка остида пахта етиштириш усулини оммалаштиришга бағишланган кўргазма-йиғин ташкил этилди. Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари И. Қобулов пахтачиликдаги «Андижон усули» борасида тўпланган тажрибалар ҳақида маъруза қилди.

Анжуман қатнашчилари Избоскан туманидаги А. Тиллабоев номли жамоа хўжалигида бўлдилар. Андижон қишлоқ хўжалик институти ўқув маркази қошидаги чигитни плёнка остига экиш тажриба майдонида амалий машғулотларда иштирок этдилар. «Андижон усули» ва унинг истиқболлари хусусида тажриба алмашилди. Келгуси йилда мамлакатимиз бўйича икки юз минг гектар майдонга чигитни плёнка остига экиш режаланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қобилжон Обидов қатнашди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ШОИР ЁДИ

Юрт ва миллат тақдирига масъуллик туйғуси билан яшаган, ёниб ижод қилган истеъдодли шоир Шавкат Раҳмон ўзининг «Ватан» деб номланган бир шеърида шундай мисралар битганди:

Жойлашгансан шунчалар чуқур...
Ўз тубига яширган юрак
Сенга етиб бормоқлик учун
Узун умрим етмаса керак.

Йигирма йил муқаддам шундай ўтли мисралар битган шоир Ватан озодлигини кўриш бахтига-ку мушаррраф бўлди, бироқ, мана шу озодликнинг нашъу наъмосини туйиб қуйлашга улгурмади. Бевақт ўлим уйғоқ виждон билан яшаган шоирни орамиздан олиб кетди. Худди куй авжида тор узилгандек бўлди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги арафасида ўзининг ижодий меҳнати билан истиқлолни мустаҳкамлаш ишига камарбаста бўлган кўплаб ижодкорлар сафида таниқли шоир Шавкат Раҳмон ҳам Президентимиз Фармонига биноан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан тақдирланган эди.

Кеча шоирнинг ижодкор дўстлари, Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарлари Шавкат Раҳмон хонадонида бўлишиб, адиб хотирасини ёдга олдилар.

Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов шоирнинг Ватан озодлигини таранним этишдаги хизматлари, унинг адабий мероси адабиётимиз учун қадрли эканини таъкидлади ва адибнинг оила-аъзоларига фахрий унвонни топширди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ.

БИЗ ҲАМ СЕНИ СЕВАМИЗ, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»!



Таниқли хонанда Илҳом ИБРОҲИМОВ:
«Ўзбекистон овози» нафақат менинг, балки барча санъат аҳлининг доимий йўлдоши, керак бўлса, устози ҳамдир».

Истеъдодли бастакор Султонали РАҲМАТОВ:
«Мустақил Ўзбекитонимнинг халқига бахт-саодат тилаб, «Ўзбекистон» гуруҳи доимо элюрт хизматида бўлади, деган умиддаман».



Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти декани, профессор Каримбой ҚУРАМБОЕВ:
«Газета ўз ўқувчиларининг кўнглини топиш учун интилмоқда, биз ҳам уни дилдан севамиз».

Миллат ва маънавият

МУДҲИШ ЙИЛЛАР ФОЖИАСИ

Ҳозирги кунлар қадр-қимматини чуқурроқ идрок этишга хизмат қилади

«Яширишнинг ҳожати йўқ, таҳдидли йўл-йўриқларга лаққа тушган, капалаги учган мансабдор шахслар топилди, И. Каримов эса Трубиндан келган мактуб тепасига «Архивга!» деб ёзиб қўйди...»

1-бобдан.

«Халқи нафратланган тузум қулагани табиий эмасми? Халқ орасидан миллионлаб инсонлар унга қарши экан, демак, бу тузум ғайриинсонийдир, унга қайғуриш, уни қўмсаш Аллоҳ ақлдан қисган кишиларга хосдир».

2-бобдан.

Мустабидлик оқибатида халқимиз бошига тушган қулфатлар ҳақида ўйлаганимиз сайин истиқлолимиз қадрини тўлароқ идрок этамиз. Шу жиҳатдан олганда «Ўзбекистон» нашриётида босилиб чиққан «Қабоҳат салтанати» (нашрга тайёрловчи Аббосхон Усмонов) китоби ўзбек халқининг кечмишидаги қора кунлар — қатағонларнинг тунд қиёфасини тиниқ акс эттирган дейишимиз мумкин. Китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзлари билан очилади: «Тарихни ортга қайтариб бўлмайди. Бу — табиат ва жамият қонуни. Шундай экан, бу қонунга хилоф иш тутган кишилар хато қилади. Халқимизнинг яқин ўтмишда чеккан заҳматларини билатуриб, эски бўйинтуриқни қайтадан бўйинга солиш — соғлом ақлга зиддир. Елкамизни қайтадан яғир қилмайлик. Эркин ҳаёт учун бир тану бир жон бўлиб курашайлик».

Дарҳақиқат, эркин ҳаёт учун курашар эканмиз мустақиллик қадрига етамиз, у кунлар қайтиб келмаслиги, ортимиздаги қўприклар ёндириб юборилгани ҳақида ўйлаймиз. Яширишнима қиламиз, ҳали ҳам орамизда бизга мустақиллик осонлик билан келди, деб юрганлар бор. Ҳолбуки, юртимиз тупроғи мустамлака ҳудудига айлангандан буён берган қурбонларни, тўкилган қонларни ҳисоблаб бўлармикан?!

Ким агар бугунги озод ҳаётимиз нималар эвазига қўлга киритилганини англамоқчи бўлса, «қизил салтанат» келтирган касофатларни ҳис этмоқчи бўлса, ушбу китобни ўқиб чиқсин. Мазкур мажмуа ниҳоятда равон тилда, халқимиз руҳига монанд оҳангда ёзилган. Ўзбекистон ҳали собиқ иттифоқ чангалида эканлигидаёқ республика раҳбари барча қолипларни мардона ва жасоратли қарорлар билан бузиб юборганлиги илк боб — «Бурилиш нуқтаси»да қизиқарли баён этилган. Ислом Каримовнинг фавқулодда қатъиятли раҳбар сифатида «марказ»дагиларни ҳайратга солиши бевосита собиқ иттифоқ матбуотида эътироф этилгани кўрсатилади.

Китоб муаллифлари халқимиз бошидан кечирган икки қатағон — 1937-1938 йиллар ва саксонинчи йиллар қатли омини таққослаш орқали муҳим хулоса чиқаради: мустамлакачилик ҳамма даврларда ҳам тобе халқ маънавиятини ерга уриш воситасида яшаб келган.

Ушбу тўплам муаллифлари ижод гулшанида, адабий даврларда кескир ва дадил сўзлари билан элимизга танилган қалам соҳибларидир. Ўткир Ҳошимов, Иброҳим Ғофуров, Хуршид Дўстмуҳаммад, Карим Баҳриев — ҳаммалари ҳуррият нуридан баҳраманд бўлиб, мустақил адабиётимизга фидойилик билан хизмат қилаётган ёзувчилардир. Уларнинг қалб қатидан сизиб чиққан сатрлари китобхон шуурида муҳрланиб қолишига ишонаман.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

«Нима учун ўша палладаги раҳбарлар ўз халқини, ақалли ўзлари яхши таниган, синаган, ҳалоллигига ишонган одамларни ҳимоя қилмади. Чунки бу раҳбарлар амал курсиларига хоинлик, субутсизлик, лаббайчилик орқали келган эдилар».

3-бобдан.

«Таассуфлар бўлсинки, инсоният тафаккури зўравонлик ва ялпи қирон келтириш илмини ҳам яратган, шўро ҳукумати бу илмнинг энг манфур кўринишларини тап тортмай ўз дастуриламалига айлантирган».

4-бобдан.

«Компартия Ўзбекистонга четдан келтирилди. У ҳеч қачон ўзбек халқининг ўз ҳаёти ичидан ўсиб, етилиб чиққан эмас. У ҳеч қачон халқимиз ҳаётида чуқур илдиз отиб кетмади».

5-бобдан.

БУХОРОИ ШАРИФ — ЮРТИМИЗ КЎЗГУСИ

Маълумки, келгуси йилда Бухорои шариф ўзининг 2500 йиллигини нишонлайди. Бу ҳақда юртбошимиз бу ерда ўтказилган вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқларида алоҳида ифтихор билан таъкидладилар. Бу кўҳна шаҳардаги тарихий обидалар, Ўзбекистон заминида бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқарган аждодларимизга ҳайкал бўлиб турибди.

СУРАТДА: Бухородаги тарихий обидалардан бири — Минораи Калонни кўриб турибсиз.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Савол: Қишлоқ мактаб ўқитувчилари қандай имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин?

Иброҳим МУҲАМЕДОВ,
Самарқанд вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрда қабул қилган «Электр қувватидан имтиёзли тариф бўйича фойдаланувчи аҳолининг электр истеъмол ҳажмини меъёрлаштириш тўғрисида»ги қарорига биноан Сиз ҳар ойига 110 киловатт-соат электр қувватидан бепул фойдаланишингиз мумкин. Бундан ортиқча электр қуввати учун тўлиқ ҳақ тўлайсиз. Бундан ташқари, ўқитувчилар яшаб турган уйларда квартиралар бепул хусусийлаштирилади. Турар жойдаги коммунал хизматлар тўлови сув, газ бўйича имтиёзларда фойдаланишда қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи педагоглар муайян чегарада озод қилинган, агар бу ўқитувчилар уйларида марказлаштирилган иситиш ва газ тармоғи бўлмаган ҳолларда йилига битта печь учун 1 тонна кўмир, ойига эса белгиланган миқдорда баллон газ учун тўлов — компенсация берилади.

***

Савол: Мен Ўзбекистон Республикаси миқёсидаги шахсий нафақага чиққанман, дорихоналардан олинадиган дори-дармонлар бўйича қандай имтиёзларим бор?

Қодир АБДУҚАҲҲОРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси.

Жавоб: Сизга шифокор рецепти бўйича дори-дармонлар 80 фоиз арзон нархда сотилади ва бунинг учун даволанаётган шифохонадан врач рецепти бўйича сизга биркитилган дорихоналарда берилади.

***

Савол: Мен Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортида меҳнат қилганман ва бунинг учун «Шуҳрат» медали билан мукофотландим. Уруш давридаги иш давомийлигим 1942 йилдан — 1945 йилгача ҳисобланган. Шу тўғрими?

Баҳодир НАСРУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилояти.

Жавоб: Ҳозир амалдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига асосан Иккинчи жаҳон уруши давридаги меҳнат стажингиз икки баробарига ҳисобланиб, олти йил деб олинади.

Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

Маиший хизмат

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Ҳозирги пайтда аҳолига хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Ўтиш давридаги қийинчиликларни, муаммоларни рўкач қилмасдан имкониятлар топиб хизмат кўрсатиш нуқталарини, уларнинг моддий базасини яратиб материаллар билан таъминлаш устидан самарали иш олиб бориш талаб қилинади. Биз шу муносабат билан Амударё тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва тадбиркорлари уюшмаси раиси Бахтиёр ЖУМАБЕКОВ билан суҳбатлашдик.

— Уюшма бўлиб ташкил қилинганига ҳам кўп вақт бўлмаса ҳам, туманда айниқса овулларда барча маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашда барча имкониятлардан фойдаланяпмиз. Шу кунгача уюшмамизга 50 нафар ҳунармандлар аъзо бўлишди. Шундан 3 таси ҳуқуқий, 47 нафари жисмоний шахслардир. 199 маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчасининг 61 тасига маиший хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги қорорини бажариш бўйича туман ҳокими шу йилнинг 8 июлида махсус қарор қабул қилди. 1996-2000 йилларида овулларда 12 та маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси шундан 3 таси бу йил бажарилиши керак эди. Амалда бу йилги топшириқлар режаси 166,6 фоизга бажарилди.

Туманда маҳалла-гузарларда савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаларини ташкил қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бердақ номли, «Қангли», «Тўлқин» «Оқолтин», Охунбобоев номли, «Қиличбой», «Туркманистон», Й. Ўразбоев номли «Қипчоқ», «Хоразм», «Дўстлик» жамоа хўжаликларида, «Маданият» посёлкасида, «Манғит арпа» канали қўприги ёнида, С. Айний номли ўрта мактаб ёнида маҳаллагузар мажмуалари қурилишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда. Дастлабки қурилишлари битказилиб ишга туширилган маиший хизмат кўрсатиш мажмуаларида аҳолига савдо, маиший хизмат кўрсатиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Кийим бичиш, тикиш, сартарошхона, оёқ кийимлар тикиш, тозалаш, таъмирлаш, уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш кимёвий усулда кийим-кечакларни тозалаш, фото, радио ва телевизорларни таъмирлаш, совутқич, чанг ютқич, кир ювиш машиналарини таъмирлаш, соат тузатиш, ҳаммомлар ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш нуқталарини яхшилашда ишлар олиб борилса ҳам камчиликлардан ҳоли эмасмиз.

Маиший хизмат кўрсатиш уюшмасида ҳал қилинмаган, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ўтган 9 ой уюшмага ҳеч қаердан кредит берилмади.

Ўтиш даврида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига эътибор берилмаса, қайси бир ташкилот маблағ, хом ашё материаллар билан таъминлашда кўмакдош бўлмаса аҳолига маиший хизмат кўрсатиш яхшиланиши у ёқда турсин бундан ҳам ёмон аҳволга тушиб қолади. Бу ҳақда жиддий ўйлаб куриш талаб қилинади. Гап билан, сўз билан қабул қилинган қарорлар билан маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш мумкин эмас. Бу ҳақда ҳар бир вазирлик, идора, бошқарма, концерн ва бошқа мутасадди ташкилотлар амалга ошираётган режаларини белгилаб, уларнинг бажарилиши устидан жиддий иш олиб боришлари зарур.

Райимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«УМИД» ЧИННИЛАРИ

Усмон Юсупов туманидаги Жейнов қишлоғида саноат ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Хусусан, «Умид» савдо-ишлаб чиқариш фирмасида тайёрланаётган пиёла, тарелка каби уй-рўзғор буюмлари кўпчиликка манзур бўляпти. Бу ерда шунингдек, ўқув куроллари ҳам чиқарилмоқда. Фирмага қарашли дўконларда Эшонкул Равшанов, Шодмонкул Ҳазраткулов, Шавкат Ғайбуллаев, Холмурод Бойхонов каби ходимлар қишлоқ аҳлига маданий савдо кўрсатишяпти.

Файзулла ЭШҚУЛОВ.

«БИЗНИ ЎЛДИРМАНГ, ОТАЖОН»

Ҳукм ўқилди

Оналар бир умр ўз жигарбандларини тарбиялаш ва камолга етказиш учун қайғурадилар. Фарзандсиз ҳаёт уларга кемтик кўринади. Она бутун ҳаётини болаларига бахшида этади. «Уссин, улғайсин, қаторга қўшилсин, камолини кўрай», деб ўзи емай едиради, киймай кийдиради. Бунга жавобан эса баъзилар оқ сут бериб ўстирган онасига қул қутаришга бориб етадилар. Баъзан эса онанинг қотили бўлиб қолаётганлар ҳам бор.

Бўз туманидаги Ю. Шодмонов номли жамоа хўжалигининг Меҳнатобод қишлоғида рўй берган мудҳиш воқеа ҳамманинг дилини вайрон қилди. Кўзидан ёш келмаган одам қолмади. Шу йил 23 июлдан 24-га ўтар кечаси тахминан соат иккиларда туман ички ишлар бўлимига Қозоқовлар хонадонида 4 нафар фуқаро: кекса она, уч нафар норасида номаълум шахслар томонидан ўлдириб кетилганлиги ҳақида хабар келди. Шу заҳотиёқ туман ички ишлар бўлими ва прокуратура ходимлари воқеа содир бўлган жойга отландилар. Саксон ёшли она Шакархон Қозоқова, унинг набиралари — 14 ёшли Ойниса, 10 ёшли Озода, 3 ёшли Арофат қонга беланиб, жонсиз ётарди.

Жиноятни очиш юзасидан вилоят ва туман прокуратураси ходимларидан иборат тергов гуруҳи тузилди. Текшириб кўрилганда норасида гўдаклар ва кекса она шафқатсизларча ўроқ санчиб ўлдирилганлиги аён бўлди. Дастлабки тўпланган маълумотлар ва тахминдан, далилий ашёлар асосида гумон қилинган шахслар суроқ қилинди. Ҳар бир айтилган сўз атрофлича таҳлил этиб кўрилди. Хонадон эгаси Иброҳим Қозоқов тунда маҳалла қўмитасига воқеа ҳақида шундай деган: «Уйимизга ўғри кириб, онамнинг ўлимлигига сақлаб қўйган нарсаларини ўғрилаб кетибди, ана шу ўғрилар онамни ва болаларимни ўлдиришган, тезда уйимизга етиб боринг».

Иброҳимнинг бу сўзларига ишониш мумкинми? Ҳақиқатда ҳам ўғрилар шундай қилдимикин? Воқеалар ривожи буни инкор этарди. Чунки онанинг сандиғидаги арзимас нарса учун 4 кишини ўғрилар ўлдириши мумкинми? Ақлга сиғмас эди бу сўзлар.

Воқеалар қадамба-қадам, чуқур таҳлил этилганда жиноят иплари уй эгаси Иброҳим Қозоқова бориб уланди. Кечқурун улфатлари билан ароққа тўйган Иброҳим кўзига қон тўлиб алламаҳалда уйига боради. Хотини кечки сменада ишда экан. Одинахон Қозоқова ишлаётган болалар санаторийсига маст холда мақсадсиз «таш риф» буюради. Кейин уйига қайтади. «Яна ичиб келдингми?» деб онаизор ундан жавоб кутади... Ароқнинг кучидан ваҳшийлашган Иброҳим онаси ва уч фарзандини шафқатсизларча ўроқ санчиб ўлдиради. Мана шу дақиқаларни ўйлаган ва кўз олдига келтирган кишининг қалби ларзага келади. Муштипар она тошбағир ўғлига балки ўша пайтда «нима қилсанг қил, лекин бизни ўлдирма», деб ялингандир. Тун қоронгусида уч қизидан бири «бизни ўлдирманг, отажон» деб чинқиргандир, ўлим азобидан қутилмоқчи бўлиб талпингандир. Тошюрак қотил эса буларга парво ҳам қилмади.

Машъум воқеадан сал ўтмай Иброҳимнинг кўзи ялт этиб очилди. Нима бўлса ҳам жиноятни ёпиш йўлларини излади. Қариндоши, илгари бир марта қора курсида ўтириб чиққан Исмоил Жўраевга бу сирни айтиб маслаҳатлашди. Одамларни чалғитиш мақсадида Иброҳим ва Исмоил Ш. Қозоқовага тегишли бўлган сандиқдаги тугунларни олиб Исмоил Жўраев уйидаги сомон ичига яширишади. Ўғриларнинг уйга келганлигига гўё асос яратадилар.

«Қўлбола» саҳналаштириш» тажрибали терговчилар томонидан тезда фош бўлди.

Дастлабки тергов пайтида Иброҳим ўз айбини тан олмади. Унинг кўнглидагини билиш учун: «Сиз бориб онангиз ва фарзандларингизнинг дафн маросимини ўтказиб келинг, сўнгра гаплашамиз» дейишганда у: «Боролмайман, мени маҳалла-куй, куни-қўшнилар ёмон кўришади», деб жавоб қилади. Қилғилиқни қилган қотилнинг юзи шувут бўлиб, юраги дов бермаслиги табиий эди. Агар Иброҳим бу жиноятни содир этмаганда эди, уйига қўшдек учиб борган бўларди.

Жиноят изларини аниқлаш пайтида Иброҳим Қозоқовнинг кийимларида марҳумларга тегишли бўлган қон доғлари борлиги маълум бўлди. Ниҳоят рад этиб бўлмас далиллар олдида Иброҳим ўз онаси ва фарзандларини ўроқ билан санчиб ўлдирганига тўла иқрор бўлди. Иброҳимнинг афсусланиб айтган сўзлари шу бўлдики: «Мени шайтон йўлдан урди, қилган ишимга минг пушаймонман». Афсуски, кейинги пушаймонлар ҳеч кимга ёрдам бермайди, аксинча, алам беради.

Иброҳим Қозоқов шундай қабиҳ йўлга бугун тасодифан кирдими? Афсуски, йўқ. У 36 ёшга етса-да, бирор ерда ёлчитиб ишламади, ичкиликка ружу қўйди. Онаси «бир кун одам бўлар» деб уйлантирди. Олти нафар фарзанднинг отаси бўлган кимса тўғри йўл қолиб юзтубан кетди. Кексаларнинг йўл-йўриқлари унга кор қилмади. У хотини Одинахон Қозоқованинг меҳнати эвазига яшаб келди. Такасалтанг ойлада доимо жанжал чиқарар, «сен қиз туққансан», деб хотинини юмюм йиғлатарди. Одинахон оғир гапларга сабр-тоқат қилиб, яхши кунларга умид боғлаб яшади. Иброҳим эса ичкиликка муккасидан берилиб, оила аъзоларинигина эмас, маҳалла-қўйни ҳам бездирди. Бора-бора унга кўпчилик нафрат билан қарайдиган, эътибор бермайдиган бўлди. У ичкилик тўрига илинган эди. Бу тўрдан чиқолмай, ўзи айтгандек шайтон йўлдан уриб, қабиҳ ишларга қўл урди. Қотил Иброҳимнинг аччиқ қисмати кўпчиликка, айниқса, Иброҳимдек йўлини тополмай адашган кимсаларга сабоқ беради деган умиддамиз. Оғир жиноятни қисқа вақтда очишда вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Абдужамол Турғунов, катта терговчиси Омонжон Мамадаев, туман прокуратураси терговчиси Нўъмонжон Мирзаевлар катта фаолият кўрсатдилар.

Ш. ОТАЖОНОВ,
Андижон вилояти Бўз тумани прокурори, 1-даражали юрист.

Хатлардан сатрлар

ЎЗИМИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЯХШИ ЭКАН...

Толлимаржонда 24 йил экскаваторчи, электрик касбларида ишладим. Бронхит дардига чалинганим сабабли шу йил март ойида шифокорларнинг тавсиясига биноан Байкал кўлининг об-ҳавосидан шифо истаб Иркутск вилоятининг Чосолей-Сибирск туманига бордим. Бироз даволаниб ўша ердаги ТЭЦда эксковаторчи бўлиб ишладим.

Иш кўп, ишчи эса кам. 3-4 йиллаб маош ололмаганлари сабабли кўплар кетиб қолишган экан.

Мен ҳам 8 ой ишладим, бироқ иш ҳақини ололмадим. Бир амаллаб, қарз-қавола қилиб уйимга қайтиб келдим. Юртимизга қайтгач қатъий шундай хулоса қилдим: Ўзимизнинг Ўзбекистон яхши экан. Юртбошимиз Ўзбекистон халқининг бахт-саодати учун ҳормай-толмай ишлаётгани боис биз шундай бахтиёр ҳаёт гаштини суряпмиз.

Холмурод ТЎЛАЕВ,
Толлимаржон сув омбори қурувчиси.

НОМИ УЛУҒ, СУПРАСИ ҚУРУҚ

Ғозғон кўрғони нафақат республикамизда балки жаҳондаги кўпгина мамлакатларга таниқли. Чунки у ердан казиб олинаётган сержило мармар ўзининг аъло сифати билан дунёга машҳур. Бинобарин, мармаримизнинг бахоси, харидоргирлиги республикамиз мустақил бўлганидан сўнг, якколроқ аён бўлди.

Шундай маълум ва машҳур кўрғонда газ йўқ, десак ажабланарсиз. Аммо, бу бор гап. Кўрғонда 6700дан зиёд аҳоли таппи-тезак ёқиб кун кечирмоқда. Вахоланки, посёлкамизни газлаштириш лойиҳаси 1995 йилдаёқ тайёрланган. Бироқ режалар қоғозда қолиб кетяпти. Бахона — бюджетдан пул ажратилмаётган эмиш. Нахотки, Ғозғоннинг мармари аъло-ю, газлаштиришга келганда назарга илинмаса?!

Ғозғон кўрғони аҳли номидан:
Рустам ШАРИПОВ,
Қурбон ЖУМАЕВ,
Намоз ЖУМАЕВ ва бошқалар.

НЕГА ЭНДИ «НАФАҚАХЎР?!»

Узоқ йиллар ҳалол-покиза меҳнат қилиб қарилик гаштини сураётган нафақачиларимизни «нафақахўр» деб аташ менимча маъқул эмас. Газета-журналларни очаман — «нафақахўр», радио-телевидениеда ҳам «нафақахўр». Қарияларимиз маъзур тутсинлар, нафақахўр сўзи судхўр, текинхўр, порахўр, каби хунук сўзларга ҳамоҳангдай эшитилади. Ахир ишчи, ўқитувчи, ҳайдовчи деб аталиб келаётган Ҳазрати Инсонни лоақал нафақачи дейиш мумкин-ку?

Орифжон ВОҲИДОВ,
Олот туманидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Газетхон танқид қилади

ҚАЛЛОБЛИК

Кундалик ҳаётимизни чойсиз тасаввур қилолмаймиз. Дуст ё қадрдонимиз, туғишганимиз ё танишимизни уйга таклиф қилсақ «чой ичиб кетинг» ёки «чойлашамиз» дейсиз. Бизнинг ана шу эҳтиёжимизни ҳисобга олган қандайдир қаллоблар чой воситасида бойимоқчи бўлибдилар.

Таътил кунлари эди. Шаҳардан қайтаётганимда қишлоқдошим Шофайзи бобо Абдуллаев ҳамроҳ бўлди. Йўл-йўлакай нарх-наводан гап очилиб, чой харид қилганини гапириб қолди.

— Ҳар доим қизил қартали чой олардим. Яқинда худди шундай чойдан харид қилиб чув тушдим. Пачканинг устидаги ёрлиғи ҳамишагидай. Ичидаги чойи икки-уч ташламдан ошмайди. Баъзиларида у ҳам йўқ. Таътилдан сўнг ишга чиқсам идорамиз ходимларидан Ольга Серажитдинова сувқоғоздан ясалган пакетда 5 пачка чойни сақлаб қўйган экан. У кишининг ҳикоя қилишларича, Қарши шаҳрининг темир йўл шоҳбекати ҳудудидаги кутара савдо базорига борган. Кутара савдода маҳсулотлар қўлдагидан арзон. Шунинг учун КаМАЗ машинасида сотилаётган 110 рақамли биринчи навли Грузия кўк чойидан бир пакет олган. Пакетда 8 пачка чой бўлган. Бунинг учун 40 сўм тўлаган. Ўша пайтда дўконларда худди шундай 100 граммлик пачка 8 сўм турарди. Ольга Васильевна ҳар пачкасидан 3 сўмдан тежаб қолдим, деб севинганини айтмайсизми?! Уйга келиб пакетни бир четдан йиртиб, бир пачка чойни очиб кўрса, ичида иккиуч ташлам чой!

Мен бундай алданган харидорларнинг кўпига дуч келдим. Хўш, қаллоблар ким? Наҳотки «Озиқ-овқатсаноат» уюшмасининг Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси шу ишни қилган бўлса?! Ахир ёрлиқ шу фабрикаси-ку! Ёки ёрлиқни қаллобларга сотишганми? Бундай саволларнинг чеки йўқ. Биз оддий фуқаро барибир масаланинг тагига етолмаймиз. Бундай чигалликларни еча оладиган идора ва муассасалар Узбекистонда бўлиши керак.

Мўмин ХОЛМУРОДОВ,
журналист.

Муфтий ҳазратларига очиқ хат

ҲАҚ ЙЎЛИДА СОБИТ БЎЛАЙЛИК

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Ибтидосиз ва интиҳосиз, шериксиз етти қават осмону етти қават ерни ва ўн саккиз минг оламни яратган Тангри таоло ва таборакага ҳамдлар бўлсин! Исм—унинг исмию меҳрибонлик ва раҳмлилик унинг ҳислатидир... Унинг ўз улвип азм ва рисолат ва нубувват ва хотамат фазлидан иноят қилиб юборган Расули Муҳаммад эрур. Таолошаънука ва аммо эҳсонука ва ло илоҳо ғайрука ва Муҳаммад ар-расулука!

Муҳтарам муфти ҳазратлари, узоқ мулоҳаза, андишага бориб, ушбу мактубни битишга ўзимда мажбурият сездим.

Юртбошимиз даъватига жавобан, ҳозиргидан кўра янада фаолроқ, дадилроқ ишлашимиз, фидойилик кўрсатишимиз, хайрли, савобли ишларга кўпроқ қўл уришимиз тақозо этилади! Хусусан, кишилар, жумладан, ёшлар қалбига, шуурига маърифат, руҳият нурларини олиб киришимиз, одамлар онгига Ватанга муҳаббат ва фидойилик, саҳоват, андиша каби ҳислатларни сингдиришимиз лозим. Мустақиллик берган олий неъматлар, Президентимизнинг миллат ва Ватан манфаати йўлидаги фидойиликларини халқимизга етказиш ҳам кўпроқ сиз билан бизнинг, яъни мафкура ва руҳий-илоҳий оламнинг зиммасига тушишини яхши англайсиз...

Муфтий ҳазратлари, ўзингизга маълум ва равшанки, мустақиллик ҳамма вақт улкан ишларни бошлаб юборишга, иқтисодий, ислоҳотларни амалга оширишга, шунингдек, маънавият ва ахлоқ-одобда янгиланиш, покланиш, юксалишни тақозо этади.

Ҳурматли муфтий жаноблари! Мен ҳаётимиз ҳамда кишиларда хусусан, баъзи бир динимиз пешволарида учраб турадиган, на Олло таоло каломида ва на пайғамбаримиз алайҳис салоту вас-саломнинг ҳадиси шарифларида битилмаган баъзи бир нарсалар борасида сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билишга журъат этдим. Бордию шаккокликка йўл қўяётган бўлсам, олдиндан узр-маъзур сўрайман.

***

... Яқинда бир маъракада бўлишга тўғри келди. Шунда бир масжид имоми кишиларга қарата: «Кимда-ким намоз ўқимаса жаннатга кирмайди» деб айтиб, Оллоҳнинг бу фарзини бажара олмаган ёшларни койиб, анча ваъзхонлик қилди. Ойнаи жаҳондаги маърифатга бағишланган кўрсатувлардан бири — «Маърифат канали»да эса бир мулла-ҳожи: «Ҳажга борганлар, аввал Зангиотанинг қабрларини зиёрат қилмаса, ҳажи қабул бўлмайди, демак ҳожи саналмайди» деб таъкидлади. Бу нима, ҳадиси шарифда айтилганидек, «Аввалги пайғамбарларнинг сўзларидан одамларда қолгани: «Уялмасанг, хоҳлаган ишни қилавер» деганими?! «Билими етмаган нарсага фатво берган киши унга амал қилганларнинг гуноҳларини ҳам олур. Кимки ҳақиқатни билиб туриб, нотўғри маслаҳат берса, демак, унга хиёнат қилибди» деган Расулуллоҳнинг сўзларини наҳотки унутиб қўйсак. Йўқ, бу ерда чаламуллалик бор: Падари бузрукворим, Муродилла Қори Зиёдилла ўғли (Қори ака): «Болам, мулладан қўрқманг, у билганини айтади. Омидан ҳам қўрқманг, у билмайди, сукут сақлайди. Аммо, чала мулладан қўрқинг, у нодонлик йўлини тутиб, йўқ нарсаларни ҳам сайрайверади», дер эдилар. Ҳа, Расулуллоҳ айтганларидан, мунофиқликнинг учта белгисидан бири ҳам ёлғон сўзлашдир. Ва яна: «одамларни чалғитиб ноҳақ йўлга бошловчи имомлар дажжолдан ҳам хавфлидирлар». (Дажжол — қиёматга яқин чиқиб, одамларни йўлдан адаштирадиган бир инсон).

Яна бир билиб-билмай қилинаётган гуноҳга диққатингизни тортмоқчиман. Оллоҳ китоби— «Қуръони карим» муқаддас, табаррукдир. Уни келар-келмас жойда, бетаҳорат ҳолда қўлга олиш, пок-нопок жойларга қўйиш, ташлаш гуноҳи азимлиги аён. Ҳозир ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган (қадимги даврлардаги махсус жойлардаги китоб бозорлари қаёқда дейсиз?!) китоб бозорларини бир айланинг. Ифлос, ташландиқ жойларда дейсизми, ахлатхоналар ёхуд йўлакларда дейсизми, одамхўрликни, фоҳишабозликни, қотиллик ва жиноятларни кўз-кўз қилувчи ялангоч аёл-эркаклар тасвири туширилган, маънавият ва маърифатдан йироқ китоблар орасига, ҳатто таг остига ташлаб қўйилган ўзбек, араб, ўрус, форс тилларида чоп этилган «Қуръони карим»ни кўрасиз. Таҳорат олиш ўёқда турсин, ҳатто қўлини ҳам ювмайдиган кимсаларнинг «Қуръони карим»ни варақлаб турганини кўрамизу ўзимизни кўриб кўрмасликка соламиз. Бундан ортиқ нодонлик ҳам бўладими?

Баъзи ҳолларда амри маъруфларга бориб қолсанг, ўзингни қандайдир ўзгача руҳий ҳолатга тушиб қолганингни сезасан. Ҳа-да, исломдаги тўрт жиҳоднинг биринчиси Амри маъруф, яъни яхши ишларга буюришдир. Демак, Амри маъруфда ислом одоби, ислом маънавияти ва маърифати, ислом маданияти ва ахлоқи ҳақида сўз боради. Оқибат натижада кўзларимиз каттароқ очилади, қалбларимиз зийраклашади, имон-эътиқодимиз тиниқлашади...

Ҳамма вақт ҳам шундай бўляптими? Йўқ, албатта. Яқинда бир Амри маъруфда қатнашдик. Чуқур ихлос билан борган эдик, таассуфки... Уч ёш муллавачча (яқиндагина ўқишни тугатган шекилли) ислом маърифати, маънавияти ва ахлоқ-одоби бўйича чала-чулпа билган-нетганларини пала-партиш айтиб, барчанинг энсасини қотиришди...

Айтишларича, айрим жойларда «баъзи бировлар ўзини «Мен пайғамбарман» деб эълон қилиб, кечирилмас гуноҳу азимга ботаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас.

Мустақилликка эришгач, уни суъиистеъмол қилувчилар ҳам, динга эркинлик берилгач, нимани истаса шуни қилувчилар, ҳатто фолбинлар, қуръондозлар, қўшночлар, сохта табиблар, шунингдек, ўзини азиз-авлиёлар ва ёки улар шажарасига мансуб деб эълон қилувчилар, кароматгўйлар, деб эълон қилишлар, ҳатто табаррук ва муқаддас қадамжолар, азиз авлиёлар мақбаралари, зиёрат, қоларверса қабристонларнинг ҳомийлиримиз деб аташлар ҳам рўй бермоқдаки, бу ҳолатга чек қўйилмаса, охир-оқибати яхши бўлмайди. Ваҳоланки, ўзингиз яхши биласиз, ҳадиси шарифда: «Бидъат-хурофотга берилганлар халқ ва халойиқнинг ёмонларидир», — дейилади. Ҳаж сафарига боришдаги аҳволни ҳам қайта ўйлашимиз керакка ўхшайди...

Мактабларга бир назар ташлайлик. Икки-уч, ҳатто ундан ортиқ маҳалла-кўйларда битта ёки иккита мактаб бўлгани ҳолда, ҳар маҳаллада битта-иккитадан масжид қуриш ҳаракати оммавий тус олмоқда. Жойларда масжидлар, яъни Оллоҳ уйлари бўлишлиги яхши, албатта. Аммо, мактабни ҳам унутмайлик-да! Бу ҳақда юртбошимиз Намангандаги сессияда айтганларида ҳамма бир овоздан маъқуллади. Яна бир нарса уйлантиради кишини. Болаларимиз, ҳатто она сути оғзидан кетмаганлар ҳам, дарсларни қолдириб бўлса-да, ота-боболари ёнида жойнамозни қўлтиққа қистириб олиб, масжидга қатнашни канда қилмаяптилар. Бу яхши, Оллоҳга интилишимиз, унинг фарзларини бажаришимиз имон-эътиқодимиз. Лекин мактаб-чи, китоб ўқилиши,дунёвий билимлар асосларини ўрганишимизчи? Савдо-сотиқ ва тижоратда ҳам шу аҳвол. Демоқчимизки, болаларимиз масжидга қатнашиб, майли, намоз фарзини адо этсинлар. Аммо мактабни, китобни, дунёвий билимларни эгаллашни ҳам унутмасинларда.

Муҳтарам муфтий ҳазратлари. Ҳадислардан бирида, Расулуллоҳ: «Мозорларга, азиз-авлиёларга атаб қурбонлик қилиш исломда йўқ» деб огоҳлантирганларига қарамай, чўнтаги кўтарадими-йўқми барибир, муқаддас жойларга қурбонликлар қилиш тобора кўп учраётганлигини кўриб турибмиз. Ҳатто баъзи жойларда ислом оламининг етакчи кишилари — имомлар, муллалар, қорилар фатво бермоқдаларку. Буни қандай тушунмоқ керак?

Ёки тўйларимиз халқона, меъёрида инсоф-диёнат асосида ўтяпти, деб айта оламизми?! Бунда Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси ташаббус кўрсатиб никоҳ тўйларини чиройли-мазмунли, рисоладагидек ўтишида шарқона, биринчи навбатда, ўзбекона маънавият, маърифат ва одоб-ахлоқ қоидаларига, анъаналарига, асосланган ҳолда ўтишига бош-қош қўшса нур устига аъло нур бўларди...

Баъзи ҳолларда ҳадиси шарифда Расулуллоҳ айтган: «Динда ҳаддан ташқари ғулув кетманглар. Чунки Сизлардан илгари ўтган қавмлар динда ҳаддан ташқари ғулувлари сабабли ҳалок бўлганлар» ва яна: «Қуръонни ўқиб, унга амал қилинглар. Ундан узоқлашиб ҳам кетманглар, унинг маъносига чуқур маъно бераман деб хато ва муболағага берилиб кетманглар. Уни тирикчилик воситаси қилиб олиб, молу дунё орттиришга ҳам ўтманглар» каби (ўша китоб, 36-бет) пурмаъно даъватларнинг терсини қилиб, кўпол хатоларга ҳам йўл қўйилмоқдаки, уларга тегишли жавоб қилиш Сиз ва бизнинг Оллоҳ олдидаги мўмин-мусулмонлик бурчимиздир.

Хулласи калом, гапираверсак гап кўп. Ҳаммамиз Оллоҳ бандаси, Муҳаммад умматларимиз. Оллоҳ йўлида, Муҳаммад пайғамбаримиз йўлида азиз ва муқаддас Ватан, миллатимиз манфаати, мустақиллигимиз маънавияти ва маърифати юксалиши йўлида ҳалоллик, ақлидрок ва масъулият билан меҳнат қилишимиз инсоний бурчимиз, имон-эътиқодимиздандир. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

Малик МУРОД,
филология фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИРИЯТДАН: филология фанлари доктори, профессор Малик Муроднинг мазкур очиқ хатини Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг раҳбари Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий муфти жанобларига етказган эдик. Ҳазрат жаваблари булдурур.

Оллоҳнинг бизларга ато этган улуғ неъмати саналмиш мустақиллик туфайли кўпдан-кўп ютуқларга эришдик. Улар ичида виждон эркинлиги алоҳида ўрин тутади. Ватан истиқлоли сабабли масжид ва мадрасаларимиз сони кўпайди. Диний адабиётлар бемалол чоп этилмоқда. Муборак Ҳаж ва Умра сафарларига кўп миқдорда мусулмон-муъминлар бориб келиш имкониятига эга бўлдилар. Уламоларимизга шариат аҳкомларини халққа баралла ташвиқот этишга шароит яратиб берилди. Ахборот воситалари орқали диний дастурлар берилиб турибди. Буларнинг ҳаммаси учун Ҳақ Таолога беадад шукрлар айтсак арзийди. Лекин шундай ютуқлар билан бирга афсуски, ачинарли ҳолатлар ҳам мавжуд. Диний ҳурриятдан нотўғри фойдаланувчи чаласавод домлалар ҳам борки, улар жамоатчилик фикрини чалғитиб, билимлари ўта саёз бўлишига қарамасдан фурсат топилган жойларда амри маъруф қиламан деб узларининг қингир дунёқарашлари туфайли ислом таълимотини нотўғри талқин қилмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги янги очилган масжидларга имом-хатиб бўлиб олганлар. Ўзбекистон мусулмонлари идораси 1996 йилнинг бошидан барча имом-хатибларни қайта синов қилиб кўриш тадбирини бошлаган. Лекин Ўзбекистонда масжидлар сони беш мингдан зиёд булгани учун ҳозиргача битта вилоятни ҳам охирига етказиб улгурмадик. Бу ишни жадаллаштириш йўлларини ишлаб чиқмоқдамиз. Иншоолоҳ, тез орада юқорида зикр этилган чаласавод муллалар ўрнини мадрасаларимизни ҳатм қилган ўқимишли, олий маълумотли диний ходимлар эгаллайди, деган умиддамиз.

Ҳаж сафарига боришдан олдин Зангиота мозорини зиёрат қилмаса ҳажи қабул бўлмайди, деган гап нотўғри. Лекин бу гап беҳуда айтилмаган ҳам. Чунки ҳаждан олдин ҳар бир мусулмон-муъмин одам аввало ўзи туғилиб, яшаб турган Ватани тарихи, унинг улуғ зотлари, қадрият ва маънавиятларини ўрганиб, билиб олиши зарур. Зеро, шундай ҳоллар ҳам рўй бериб турадики, Маккаи Мукаррамага бориб Ҳаж ёки Умра зиёратини қилаётган баъзи ҳамюртларимиздан Имом Бухорий ким бўлган, Имом Замахшарий қандай зот деб сурасангиз жавоб бера олмайди. Шунинг учун ҳаж ўз йўлида, у ҳам мустақил бир ибодат. Лекин ўзлигимизни ҳам албатта англаб боришимиз лозим.

Китоб бозори ёки дўконлари ҳақида жуда изтиробли ёзибсиз. Бу хусусда бизлар ҳам чуқур ташвишдамиз. Китоб савдоси булаётган жойларда камчиликлар кўп. Лекин буни ҳам тартиб-интизомга тушириш тадбирларини ишлаб чиқиб,татбиқ этиш арафасида турибмиз. Айниқса, чоп этилаётган диний адабиётларнинг кўпчилиги Диний идора раҳбарияти томонидан тасдиқланмаган булгани сабабли ислом таълимоти ва шариат аҳкомлари тўғрисидаги халқ оммасининг ихтилофи ва низоларига сабаб бўлмоқда. Бу муаммони ҳал этиш йўллари ҳам ҳозирда ишлаб чиқилмоқда.

Узлари чаласавод бўлишларига қарамай одамларга ваъзу насиҳат қилишга ҳирс қўйганларнинг кейинги пайтларда кўпайиб бораётгани ташвиш қилса арзийдиган ҳоллардан. Ҳали ўзи ўқишга муҳтож, араб тилига мутолааси йўқ, фиқҳ илмидан бехабар бўла туриб диний саволларга жавоб бериб юрганлар, албатта одамларнинг гумроҳлик йўлига кириб қолишлари учун зомин бўлишлик билан бирга Оллоҳ таоло наздида қаттиқ гуноҳкор ҳисобланадилар.

Кейинги пайтларда ўзини пайғамбар ҳисоблаб халқ орасида турли-туман беҳуда гапларни тарқатиб юрувчилар сони ошиб бормоқда. Ваҳоланки, Муҳаммад Мустафо (САВ) Оллоҳнинг Ер юзи халқлари учун юборган охирги пайғамбари, Қуръони карим охирги илоҳий китоб эканлиги барчага ойдек равшан. Турли руҳий касалликларга чалинган бу тарздаги кишилар фақат халқ оммасини эмас, балки корхоналарда юриб масъул ходимларнинг қимматли вақтларини ҳам олишгача етиб бормоқдалар. Бу муаммони ҳам диний ташкилотлар, маҳаллалар ва ҳукумат томонидан ўз вақтида ҳал қилиб, олди олинмаса оқибати яхши бўлмас деб ҳисоблаймиз.

Фолбинлик ва сеҳру жоду билан шуғулланиш ислом дини таълимотига кўра энг оғир гуноҳлардан, балки куфр ҳисобланади. Бу хусусда Диний идорамиз масжидлар орқали халқ оммасига тушунтириш ишларини ўз вақтида олиб борган. Масалан, 1984 йили Диний идора томонидан чиқарилган фатвода фолбинлик, сохта табиблик каби иллатлар сири фош қилиниб, бу борадаги оят ва ҳадислар асосида ажойиб маълумотлар берилган эди. Лекин ҳозирги кунимизда бу масала яна долзарб муаммога айланган куринади. Балки ҳозирги шароитга мувофиқ тарзда мазкур фатвони қайта ёзиб нашр этиш керакдир. Ҳар ҳолда бу иллатни ҳам илдизи билан йўқ қилиш учун бор имкониятларимизни сафарбар қилишимиз керак булади.

Мозорларда қурбонлик қилиш масаласига келсак, бунга бир сўз билан жоиз ёки ножоиз деб жавоб бериб бўлмайди. Мозорларни зиёрат қилиш фойдадан холи эмас. Ҳадиси шарифда айтилганидек, у охиратни эслатади. Лекин зиёрат қилишнинг ўзига хос одоб ва тартиблари бор. Агар уларга риоя қилинмаса савоб ўрнига гуноҳ орттириб келиш ҳеч гап эмас. Мана шундай нозик жиҳатлардан бири мозорларда жонлиқ сўйганда фақат Оллоҳ учун деган ният билан бисмил қилиш шарт. Агар бордию, шу ерда ётган қайси бир азиз-авлиё учун деб ният қилса ёки оғзаки айтса — бу ширк ҳисобланиб, қаттиқ гуноҳкор бўлиб қолади. Аммо жонлиқни сўйиб, унинг ва ундан қилинган эҳсон савобини ўша азиз-авлиёлар руҳига ҳадя қилинса — бу айни савоб.

Оллоҳ таоло барчамизни ҳақ йўлида собит қадам бўлиб боришимизда ўзи мададкор бўлсин, Омин!

Мухторжон Абдуллоҳ БУХОРИЙ,
Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг раиси, муфтий.

Келажак бугундан бошланади

ЎЗБЕКНИНГ ЯНГИ ТАДБИРКОРИ

Хайрулла аканинг ғалати феъли бор. Бирор ишни бошламасин. Бошласа қўймайди. Уйдагилар уни узоқроқ сафарга кузатишса «совға-салом эмас, яна бирор янгиликни кўтариб келди-ёв» деб юрак ҳовучлаб ўтиришади. Аслида-чи?

Табиатан ишбилармон одам у. Аввалига мева-сабзавот, кийим-кечаклар билан савдо қиладиган дўкон очди. Орадан кўп ўтмай нон ёпадиган цехни ишга туширди. Сўнг Собир Раҳимов туманидаги Чиғатой-Оқтепа маҳалласи аҳли йиғилиб, кўнгил ёзиб дардлашадиган бир Гузар ҳам бино қилди. Ҳозир бу ерда унинг саховати туфайли қурилган дорихона, шифохона, сартарошхона элга беминнат хизмат кўрсатяпти. Лекин у ҳеч қаерда ҳеч кимга мақтанмайди. Кўнглига ҳар лаҳза бир муборак калом таскин беради: «Ўнг қўлинг қилган савобни, чап қўлинг сезмасин...»

Шу йилнинг январида Малайзия сафарига бориб келди. У ёқда кўрганлари бир дунё эди. Айниқса, тиббиёт соҳасидаги ғаройиб тажрибалар билан танишгач, тинчи бузилди. «Ўзбекистонга қайтиб борайин, насиб этса, бир хусусий шифохона қуриб, элдошларимнинг саломатлиги йўлида баҳоли қудрат хизмат қиламан» деб ният қилди. Яхши ният-ярим давлат, деганлари рост экан. Март ойида олис Америкага бориб, ўз шифохонаси учун зарур бўлган энг замонавий асбоб-ускуналарни олиб келди. Ва... шу йилнинг сентябрида кўнглига туккан нияти ижобат бўлди. Олти ой ичида Ўзбекистонда илк бор энг замонавий услубдаги хусусий шифохонани қуриб ишга туширди.

Кўп тармоқли шифохонага «Карима» деб ном қўйишди. Дастлаб турли мулоҳазаларга ҳам борди. Чунки пулли даволаниш... кимларгадир сал эриш туюлади. Лекин бощдан дўппини олиб ўйлаб қаралса, давлатнинг ўзи бир бемор учун қанчалар маблағ сарфлайди. Ҳаммасини чўтга қоқди. Хизмат кўрсатиш нархини етти ўлчаб белгилади.

Ҳозир шифохонани малакали мутахассис, тиббиёт фанлари номзоди Маҳмуджон Пирназаров бошқаряпти. «Даволаш ва даволаниш» тартиблари сизларда қандай?» — сўраймиз Маҳмуджон акадан.

— Бизда ортиқча расмиятчилик деярли йўқ. Ҳар хил ҳужжатлар сўраб мижозларимизни овора қилмаймиз. Шу ернинг ўзида экспресс-диагностика усуллари орқали узоғи билан 15 дақиқадан бир соатгача бўлган вақт ичида беморга ташхис қўямиз ва зарур муолажаларни амалга оширамиз. Агар кимнингдир келиш имкони бўлмаса, ходимларимиз уйларига бориб хизмат кўрсатади. Ҳозирча аёллар, шу жумладан, болалар ва катталарда учрайдиган таянч-ҳаракатлантирувчи тизимларнинг мураккаб касалликлари, туғма ногиронлик, бод, остеахондроз, турли кўринишдаги яъни синган, қийшайган ва зарарланган тишларни даволаш, қулоқ-бурун, тери хасталиклари ва косметология бўйича тажриба орттирган врачларимиз хизмат қилишяпти.

Хайрула ака қўшиб қўяди: «Асл ният битта. У ҳам бўлса, бу митти шифохонани келгусида кенгайтириш. Ҳатто ётиб даволанадиган станционарга айлантириш мақсадимиз ҳам йўқ эмас. Яна бир жиҳати, бизда беморни дўхтир танламайди, аксинча беморларнинг кўнглига қараймиз».

Тўғриси, кўп қузатганмиз. Айрим шифохоналарда кардиолог, терапевт ёки невропотолог мутахассисларга кам эътибор берилади. Шунинг учунми, янги очилаётган хусусий тиббий муассасаларнинг аксарияти стоматологик ва жарроҳлик хизматини танлаётир. «Карима»да эса бу «анъана» бузилди. Биринчи навбатда инсон ҳаётининг энг асосий нуқтаси бўлган ЮРАКка катта эътибор қаратиляпти. Айниқса шифохона дўхтирлари чет эл тажрибаларини ўз фаолиятларида синаб кўришяпти. Шул боис ҳам мазкур масканда нафақат ўз мамлакатимиздан, балки хорижий давлатлардан, шу жумладан, Ҳиндистон ва Покистондан беморлар келиб даволанишяпти.

У киши доим ўз оила аъзолари ва ёр-дўстлари, ҳамкасбларига бир гапни кўп таъкидлайди: «Ишбилармонлик— фақат олди-сотди билан белгиланмайди, аксинча ҳар қандай замонавий тадбиркор ҳам аввало ўз юрти, ўз халқи манфаати йўлида кўпроқ қайғуриши керак. Ана шундагина мамлакат обод, улуснинг дастурхони тўкин бўлади».

Илло, Хайрулла Муминовнинг ажойиб тажрибалари Ўзбекистонимизнинг эртанги ёруғ ва нурли кунлари учун ёниб яшаётган ва ишлаётган ҳар бир тадбиркорга мактаб бўлсин.

Нор ҚОБИЛ.

• АЛМАТИ

Қозоғистон пойтахтида мамлакат мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан катта тантаналар ўтказилди. Тантаналар чоғида шаҳар марказидаги республика ҳиёбонида «Мустақиллик» ҳайкалининг очилиш маросими бўлди. Маълумки, 10 йил бурун айнан шу ерда ва шу куни қозоғистонлик ёшларнинг собиқ марказ диктатурасига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтган эди.

1991 йил 16 декабрь куни Қозоғистон мустақил республика деб эълон қилингандан буён, бу сана мамлакатда умумхалқ байрамига айланган. Лекин, шу билан бир вақтда, 16 декабрь Қозоғистонда умуммиллий қайғули кун сифатида ҳам нишонланади. Чунки ушанда Қозоғистон ёшларининг намойиши собиқ шуро ҳукумати томонидан шафқатсизларча бостирилган эди.

* * *

• НАЙРОБИ

Кения Президенти Даниэл Арап Мои таклифига биноан, ушбу мамлакат пойтахтида Бурунди, Руанда ва Зоир муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро учрашув бошланди.

«Африка буюк кўллари» минтақасидаги инқироз бугун қитъадаги энг йирик муаммо бўлиб турибди. Зоирда тутси элатига мансуб «Баньямуленге» гуруҳи жангарилари ҳукумат қўшинлари билан қаттиқ жангга киришди, Бурундида шу йил ёзда ҳукуматдан четлаштирилган хуту элатига мансуб қуролли гуруҳлар ҳукумат тепасига чиқиб олган тутси ҳарбийларига қарши урушмоқда. Руандадаги вазият эса кескинлигича қолмоқда. 1994 йилдаги фуқаролар уруши туфайли ушбу мамлакатни тарк этган икки миллиондан зиёд қочқинни қайтариш муаммоси турли жанжалларга сабаб бўляпти. Ҳар учала мамлакатда ҳам очлик, турли касалликлар эпидемияси ва қирғинбарот урушлар оқибатида минглаб одамлар нобуд бўлмоқда.

Афсуски, бугунга қадар, мазкур минтақадаги элатлараро можароларни тинч йўл билан бартараф этишга қаратилган барча ҳаракатлар натижасиз қолаётир. Бу галги учрашувдан эса Африка жамоатчилигининг умиди катта.

ЧЕГАРА ОЧИЛМАЙДИГАН БЎЛДИ

ТУРКИЯ. Туркия Ташқи ишлар вазирлиги Арманистонга чегара очиш ҳақидаги фикридан қайтганлигини эълон қилди. Туркия, деб маълум қилади халқаро агентлик, Арманистон, Озарбойжоннинг ҳудудий яхлитлигини тан олмай, Тоғли Қорабоғдан арман ҳарбий кучларини олиб чиқиб кетмасдан, «Озарбойжон ҳудудини ишғол қилиб туриш»ни бартараф этмаса Туркия — Арманистон чегараси очилмайди. Бундан бироз муддат олдин ташқи ишлар вазири Тансу Чиллер Арманистонга чегара очилади, деб баёнот берганди.Лекин яқинда Лиссабондаги халқаро йиғинда Арманистон «Тоғли Қорабоғ Озарбойжон таркибига киритилади» деган ҳужжатни имзоланишни рад этди. Туркия Арманистон билан чегарасини 1992 йилда, «Арманистон Озарбайжонга ҳарбий тазйиқ ўтказа бошлаганда» беркитган эди.

ЕТИМ БОЛАЛАР МЕҲРГА МУҲТОЖ

ҚИРҒИЗИСТОН. Қирғизистон болалар уйида тарбияланаётган аксарият гўдаклар майиб-мажруҳдирлар. Ҳатто уларнинг яшаш шароитлари ҳам аянчли аҳволда: биноларда чироқ йўқ ёки етишмайди, санитария тармоқлари мутлақо ишламайди, мутасадди ташкилотлар ҳам талаб даражасида эътибор қилмайдилар, деб хабар қилади Рейтер агентлиги. Етим болаларга ўйинчоқлар ҳам беришмайди. Болалар уйи ходиминнинг айтишича, улар ўйинчоқларни синдириб қўйишади-да». Яна бир етимхона тарбиячиси ойига 15 доллар ҳақ оладиган Татьяна Репьеванинг тушунтиришича «Бизда дори-дармон йўқ, уст-бош ёки витаминларни ҳам беролмаймиз, етим болаларга. Қирғизистонда яшаётган майиб болаларнинг ота-оналари ўзлари ҳам ижтимоий ҳимояланмаганликларидан қийналиб, уларни мамлакатдаги тўрт етимхонадан бирига топширишга мажбур бўляпти. Етимхона директори Максим Елизанов эса, «етимхоналарда улар вафот этганда ҳатто ота-онаси келиб дафн ҳам этишмайди» дейди.



ҚАЕРДА УЙ АРЗОН?

АҚШ. Америкаликлар уй сотиб олишдан аввал шу ҳақда маълумот тўплашга киришдилар. Харидорлар учун Нью-Йорк штатининг ғарбида жойлашган Жемстаун шаҳридаги уйлар АҚШ даги энг арзон бошпана ҳисобланади. Шимолий Калифорниянинг марваридлар шаҳри — Сан-Франциско уйларининг нарх-навоси эса харидорларни яхшигина «чақади»да. Уй қурувчилар миллий уюшмасининг яқинда эълон қилинган докладида ҳам бу таъкидлаб ўтилганди. Унда айтилишича, Жемстаунда яшовчиларнинг йиллик кирими 34 минг 300 долларни ташкил этади. Бир оилага мўлжалланган уйлар баҳоси эса 55 минг доллардир. Сан-Франсисколиклар йилига эса анча юқори — 61 минг 300 доллар даромад қилишади.

НИЛ НЕГА ТЕСКАРИ ОҚАДИ?

Олимлар Африкадаги энг улкан дарё — Нилнинг яна бир жумбоғини ечишга уриндилар. Авлодлар ҳамиша ўз-ўзига савол беришган: Нега Нил шимолга оқа туриб, Нубия саҳросидан кескин Судан водийси томон бурилади? Маълум вақт жанубий-ғарбга «югуриклайди»-да, сўнгра яна ўзанини Шимолга тўғрилаб олади?

Нега Нил ортига бурилади?

Америкалик олим-мутахассисларнинг космик кемадан Нил тасвири туширилган фотосуратига асосланиб айтиш мумкинки, Нил ўз оқимидан ҳеч қандай «қайтишсиз», «қочишсиз» Ўрта ер денгизи томонга оқиши керак эди. Олимларнинг фикрича (10 минг йилликлар орасида, миллион йиллаб олдин) ҳозир буни аниқ айтиш қийин, лекин нимадир Нилни ортга буришга «мажбурлаган». Мутахассислар илмий кузатишларга асосланиб, Нилни ортга қайтишга мажбур этган куч — ер қатимининг сейсмик ўзгарувчанлиги, дунёнинг бу муайян ҳудудида қадимий кўҳна тарихнинг «инжиқликлари» сабабчидир, деган фаразларни айтмоқда.

• МАДРИД

Испания пойтахтида 15 минг нафардан зиёд киши маастрихт шартномасига қарши ўтказилган норозилик намойишида иштирок этди.

Бутун Ғарбий Европа мазкур шартнома асосида бирлашаётган бир пайтда, унга қарши бундай намойишнинг ўтказилиши сиёсатчиларни ўйлантириб қўйди. Намойиш иштирокчилари Мадрид кўчалари бўйлаб маастрихт шартномаси — Европада ишсизлар сонининг янада кўпайишига олиб келиши ва уни умуман бекор қилиш ҳақидаги шиорларни кўтариб олган эдилар.

Бундай намойишлар Испаниянинг бошқа йирик шаҳарларида ҳам ўтказилди.

• СЕУЛ

Корея Республикаси ҳарбий ҳаво кучлари олий қўмондонлигининг мажлисида мамлакатни шимолий Корея ҳаво ҳужумидан сақлаш бўйича махсус «ҳаво ҳимояси тизимини» барпо этишга қарор қилинди.

Маълумки, сентябрь ойида Корея Халқ Демократик Республикасининг 26 нафар аскари Жанубий Корея ҳудудига ноқонуний ўтиб олгани икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг янада кескинлашувига сабаб бўлган эди. Айни пайтда, Корея ярим оролини иккига ажратиб турадиган чегаранинг ҳарбийсизлантирилган ҳудуди яқинида жанубий Корея қирувчилари ва оғир артиллериясининг 40 фоизи жойлаштирилган.

• ЛОНДОН

Англиянинг машҳур «Уорлд соккер» журнали ўтказган сўров натижаларига кўра, бразилиялик Роналдо 1996 йилдаги жаҳоннинг «Энг кучли футболчиси», деб топилди.

Журналистларнинг фикрича, Испаниянинг «Барселона» клубида туп сураётган 20 ёшли Роналдога бугун ҳеч ким, ҳатто, футбол бўйича «Европа-96» биринчилигининг энг сермаҳсул тўпурари англиялик Алан Ширер ҳам тенг кела олмайди.

Сўров натижаларига кўра, шунингдек, Германия терма жамоасининг бош мураббийси Берти Фогтс энг кучли мураббий, Атлантадаги олимпия ўйинлари чемпиони — Нигерия терма жамоаси эса 1996 йилдаги энг яхши жамоа бўлди.

Дил изҳори

СИРЛИ СОҲА ФИДОЙИСИ

Таниқли полимершунос олим, Тошкент Давлат университети полимерлар кимёси кафедрасининг профессори, кимё фанлари доктори Шавкат Қурбоновнинг ҳаёт йўли ғаройиб.

Олим синтетик ва табиий полимер моддаларни радиацион ва кимёвий усуллар билан бир-бирига улаб, уларнинг хоссаларини ўзгартириб, тиббиёт, кимё, экологик соҳаларда вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишда қўллади. Шу билан бирга илк бор қонни заҳарли (метаболит) бирикмалардан тозалайдиган, уни қўйилтирмайдиган, антимикроб хоссасини намоён қиладиган ва уни сорбция йўли билан тозаловчи — гемосорбент полимер материалларни олди, ишлаб чиқишга тавсия этди.

Республикада жигар, буйрак ва қон касалликлари билан оғриётган беморларнинг сони кескин ортиб бораётганлиги сабабли қоннинг таркибидаги турли заҳарли метаболитларни танлаб ютадиган сорбентларни синтез қилиш муаммоси кўтарилди. Бу муаммони ижобий ҳал қилишда Ш. Қурбонов тинмай меҳнат қилди, полиамфолит хоссага эга бўлган сорбентларни профессор О. Қосимов билан ҳамкорликда тиббиётда қўллаб, яхши натижаларга эришди. Устоз бир неча рационализаторлик таклифларнинг муаллифи. У маҳаллий хом ашё «Нитрон» толаси асосида ҳуснбузар, танада, юз ва жағда, жарроҳлик операциясидан сўнг ҳосил бўладиган йирингни ютувчи ва ўзидан доривор модда ажратувчи полимерларни олиш технологиясини ишлаб чиқди, амалиётда қўллади.

Ш. Қурбонов илмий-педагогик ишларнинг ҳам моҳир усталаридан бири. Талабаларни ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. У талабаларнинг билим даражасини аниқлаш рейтинг-тест тизимини ишлаб чиқишнинг жонкуярларидан. Унинг илмий ишларига Франция, Япония, Чехословакия, Руминия мамлакатлари олимларининг қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

К. АҲМЕДОВ,
Т. БОБОЕВ,
кимё фанлари докторлари, профессорлар.

МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ КУЙЧИСИ

Эҳтиром

Ўтган аср мутафаккирларидан бири Муҳаммад Ҳижозий «Ҳаёт биноси тақлиддан иборатдир, аммо санъаткор тақлид қилишдан парҳез қилиши лозим. Илм-ҳунар соҳасида биринчи шарт истеъдод бўлса, иккинчи шарт устоздир. Учинчиси эса ижодкорнинг саъй-ҳаракати, ташаббуси. Шу фазилат бўлмаса, биринчи ва иккинчи шартлар вожиб бўлмайди», деган экан. Дарвоқе, шундай. Буни Мустафо Бафоев ижодида ҳам яққол кўриш мумкин. У ҳозир Ўзбекистон бастакорлари орасида сермаҳсул ижодкорлардан бири ҳисобланади. Унинг ранг-баранг асарлари аксарияти мустақил республикамиз мусиқий ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланади. Композиторнинг «Буюк ипак йўли» балетига яратган ажойиб ва ўзига хос оҳанглар силсиласини олайлик. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган бу асарда шарқона мусиқий оҳанглар янграб, бу санъатимизнинг жаҳон саҳнасига чиқишига катта йўл очади.

— Буюк мутафаккирлар, алломалар маънавий меросига бунчалик кўп мурожаат қилишингизни сабаби нимада? — дея сўраймиз бастакордан.

— Биласизми, Шарқ шеърияти, Шарқ фалсафаси бемисл ҳикматлар хазинаси экан. Шахсий ҳаётимда содир бўлган айрим қийинчиликлар, муаммолар «жавобини» мумтоз адабиётимиз намояндалари меросидан топганман. Охирги вақтларда мен Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари шеърияти «доми»га тушганман. Озгина вақт топсам, бу улуғ зотнинг адабий-фалсафий меросига мурожаат қиламан. Шарқ шеърияти хоҳ у туркий тилда хоҳ форсийда бўлсин, энг мукаммал оҳанглар мажмуасидир.

Ҳа, бастакор оҳангларидаги тарих ва замонавий руҳ инсонлар маънавий муҳитига катта таъсир қилаётганлиги бежиз эмас.

Композитор ижодининг яна бир хусусияти шундан иборатки, у якка хонандалар учун қўшиқлар ёзади. Унинг юздан ортиқ қўшиқлари республикамиз ҳамда қўшни қондош мамлакатлардаги машҳур ҳофизлар ижросида халқларимизга манзур бўлиб келаётир.

Алишер Навоийнинг (Фоний тахаллуси билан):

Нигори турку тожикам
кунад сад хона вайрона,
Бад-он мижгони тожикона чашмони туркона, —

матласи билан бошланган ғазалига бастакор шундай бир дилбар куй басталаганки, ҳозир бу қўшиқ Ўзбекистон ва Тожикистонда ўтадиган ҳар бир байрам ва шодиёналарга бамисоли дўстлик рамзи бўлиб янграйди.

Хуллас, моҳир бастакор асрлар қаъридан бизнинг замонамизгача етиб келган аждодларимизнинг тафаккур силсиласини нота тўлқинлари, мусиқий тили ила замондошларимиз ва келажак авлодга талқин қилаётир. Зеро, мусиқа тили кўнгиллар изҳори каби барча халқларга баробар сингаверади.

Шоқаҳҳор САЛИМОВ.

Вниманию руководителей автопредприятий!
Ташкентский филиал АО УзАСК «Йўловчи»
предлагает к реализации автомобилям

Наименование продукции	Ед-ца измер	количество	цена за ед-цу
ГАЗ - 24			
Шаровые пальцы рулевых тяг (на 1 авт)	шт	20	2889
Втулки резьбавые с болтами (на 1 авт)	к-т	13	2320
Автошины РАФ 185*15*82 (Бобруйск)	шт	226	8000
Водяной насос 1"24-10	шт	12	8880
Кардан передний УАЗ-452	шт	19	3300
Гайка М-16 (стремянки Г-24)	шт	296	23
ГАЗ - 53			
Диафрагма бензонасоса	шт	254	144
Блок шестеренок КПП	шт	12	6440
Вал перевичный КПП	шт	18	4600
Привод спидометра	шт	61	510
Поддон картера Г-52	шт	8	2200
Вкладыши коренные Г-51	кт	6	750
Вкладыши шатунные Г-51	к-т	7	750
Дверь Г-53	шт	31	3000
Капот Г-53	шт	5	4000
Крыло Г-53	шт	2	3500
Трос спидометра 3,0: 1,80: 1,60: 1,5 м	шт	12	590
ЗИЛ-130			
Синхронизатор 4-5 передачи	шт	36	2160
Синхронизатор 2-3 передачи	шт	86	2480
Тормозной шланг	шт	397	240
Привод спидометра	шт	149	500
Коленвал компрессора	шт	11	3600
Шестерня 2-ой передачи	шт	8	950
Шестерня 4-ой передачи	шт	39	930
Вал первичный	шт	8	2200
Шланг торм.перед	шт	98	240
Капот ЗИЛ-130	шт	2	4100
Мост передний ЗИЛ-131	шт	1	50000
Мост задний ЗИЛ-131	шт	1	50000
Редуктор среднего моста ЗИЛ-131	шт	4	25000
Редуктор заднего моста ЗИЛ-131	шт	2	25000
Редуктор переднего моста ЗИЛ-131	шт	1	25000
Раздат КПП ЗИЛ-157	шт	3	7500
Балка пер. моста	шт	2	10000

В объявление указаны мизерная часть имеющихся запчастей.
Всего имеется более 500 наименований по маркам автомобилей.
Оплата по перечислению и векселями по договоренности.
Адрес: г. Ташкент, ул. Айбека, 47.
Тел: (3712) 54-78-19, 54-93-07. Факс: (3712) 54-76-31.
Продается новая, испытанная в работе, установка для выпечки хлебопродуктов. Тел.: 54-62-53

Обуначи бурчаги

СОЗСОЙ ҲАНГОМАЛАРИ

Созсой — бу қишлоқнинг номи. Чортоқ туманида шундай жой бор. Қирғизистонга чегарадош. Шунинг учун ҳам аҳолиси «аралаш» — ўзбек ҳам бор, қирғиз ҳам. Улар оддий, чапани халқ. Бошига қирғизча қалпоқ, эгнига ўзбек чопони, белига белбоғ боғлашади. Ўта меҳмоннавоз. Остона ҳатлаб меҳмон келса бас, қўй сўйилиб, бешбармоқ ёки палов тортилади. Ва, албатта, даврада ҳангомалар бошланиб кетади. Ушбу ҳангомалар ҳам ҳали «совиб» улгурмаган.

ЙЎҚОТИЛГАН КУН

(Жумбоқ)

1519 йил 20 сентябрда Испаниядан Фернан Магеллан бошчилигида 265 кишилик экипаж Осиёга ғарбдан йўл очиш мақсадида сафарга отланади. Икки йиллик сафар давомида йўл машаққатлари сабаб кўпчилик нобуд бўлади. Филиппин ороллари аҳолиси ҳужуми натижасида экипажнинг бошқа аъзолари, шу жумладан, Магеллан ҳам ўлдирилади. Битта кичик кемада 17 киши Испанияга қайтиб келади. Магелланчилар сафарда қизиқ воқеага дуч келишади: сафар қатнашчиларидан бири — Антонио Пигафетта саёҳатни батафсил кундаликка ёзиб борган, лекин Яшил Бурун ороллари ва аҳоли билан суҳбатда шу нарсадан ҳайратланишадики, ёзувдаги кунлар оролдаги ҳисобга тўғри келмасди. Улар:

— Бугун 19 июль, чоршанбами? — деб сўрашганида, аҳоли:

— Йўқ, бугун 20 июль, пайшанба! — деб жавоб беришади. Бундан ажабланган Пигафетта барча ёзувларни бирма-бир текшириб чиқади, бироқ кундалик дафтарда саналар тартиби тўғри ёзилганди. Шунга қарамай бир кун йўқолганди. Бунинг сабаби нимада?

ОРТИҚЧА КУН

(Жумбоқ)

Жюль Верннинг қаҳрамонларидан бири бўлмиш мистер Филеас Фоггни биласизми? У «Ер шарини 80 кунда айланиб чиқаман» деб клуб аъзолари билан гаров ўйнайди. Сўнг ёрдамчиси Паспарту билан бирга шарққа қараб йўл олади. Ажойиб ва ғаройиб саргузаштларни бошидан кечириб, сафарни якунлайди. Бироқ улар қадрдон шаҳарларига қайтиб келишганда Филеас Фоггнинг ҳисоби бўйича белгиланган муддат 80 кундан ўтиб кетганди. Шунда Фогг гаровда ютқаздим деб ўйлайди ва ғамга ботади. Аммо ёрдамчиси Паспарту кўчага чиқиб, улар наздидаги «бугун» аслида «кечаги кун» эканлигини билиб келади ва мистер Фогг белгиланган кунда, яъни саксонинчи кун клубда бўлиб, гаровда ютиб чиқади.

Хўш, Паспарту ортиқча кунни қаердан «топиб» келди?

«ҚИРҒИЗИСТОН ДАСТУРИГА ОЛ-ЧИ»

Кечқурун. Жума ака оиласи билан телевизорда «Морена Клара»ни кўраётганди. Бир пайт ток камайиб кетди-да, экран оқариб, тасвирлар кўринмай қолди. Шунда Жума ака хотинига:

— Зайнабхон, ҳозир бутун қишлоқ шу «Морена»ни кўряпти, шунинг учун ток камайиб кетди. Давай, Қирғизистон дастурига бурагин, ҳозир уни ҳеч ким кўрмаяпти, — дебди.

«МЕҲМОН ОТАНГДАН УЛУҒ»

Сувонқул ака мотоциклда Наманганга кетаётганди. Йўлда уни милиса тўсди. Қараса, биттаси таниш (Очиғи, Сувонқул ака уни танигани билан у буни танимайди). «Ҳе, таниш экан-ку» деди-да, кетаверди. Бир маҳал уч милиса машинада қува бошлади. Сувонқул ака эса «права»си йўқлиги учун газни босиб қочди. Роса ярим соат жинқўчалардан юриб, милисани тентиратди. Милиса барибир ортидан қолмади. Охири Сувонқул ака мотоциклни ўша таниш милиса-нинг уйига ҳайдади. Хайриятки, уйининг дарвозаси очиқ экан. Шартта ҳовлига кириб, милисаларни кута бошлади. Улар етиб келгач эса:

— Меҳмон отангдан улуғ, деган гап бор, ўртоқ лейтенант. Ўзиям уйингизни роса ярим соат қидирдим-да, — деди.

ЧЎТНИНГ ДОНАСИ ЙЎҚ ЭКАН

Бир танишим бор. Фермер. Оти Имомали. Фарғонанинг Ўзбекистон туманида яшайди.

Бир куни ой охирида бош ҳисобчисининг бухгалтерлик ҳисоботини топшириш учун 15 километр йўл босиб туман ҳокимлигига борибди. У ерда керакли одам ҳали ишга келмабди. Шунинг учун қабулхонада бекор ўтирмасдан ҳисоботни ўзи чўтга сопа бошлабди. Бир маҳал ҳисоб нотўғри чиқаяпти. Яна ҳисоблабди, яна нотўғри. Дарҳол бош ҳисобчига телефон уриб, қойибди.

— Ахир қайта-қайта ҳисобловдим-ку, тўғри чиқувди-ку, — деди бош ҳисобчи.

Имомали ака ортига қайтди. Ўзи устида туриб, бош бухгалтерга бошқатдан ҳисоблаттирди. Калькуляторда ҳаммаси тўғри чиқди. Фермер яна ҳокимликка йўл олди. Қабулхонада навбат кутиб ўтириб, яна чўтга туша бошлади. Қизиқ, яна нотўғри чиқаяпти. Энди чинакамига асаби қўзиди. Шу пайт қабулга чақириб қолишди.

Қизиғи шундаки, ҳисобот қабул қилинди. Имомали ака ўзича ҳайрон.

Кейин билса, қабулхонадаги чўтнинг бир донаси йўқ экан.

Газетанинг 12 декабрь, 158-сонида чиққан «Ўғирланган картина» ва «Бриллиантли узук» сарлавҳали жумбоқларнинг жавоблари.

1) Инспектор ўғирлик содир бўлиши тўғрисидаги телеграммани олганлиги ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса демаганди. Музей маъмурининг ўзи бу ҳақда оғиз очди. Демак, телеграммани унинг ўзи жўнатган ва ўғирликни ҳам унинг ўзи қилган.

2) Дўкон уч кундан бери ёпиқэди. Демак, ўз-ўзидан маълумки, витринадаги соатларга ҳали дам берилмаган. Жиноятчи соатни ушлаб у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрганида, соат миллари механик равишда юриб кетган.

«Обуначи бурчаги» материалларини Алимқул СУЛТОНОВ саралади.

Маданият янгиликлари

САККИЗ АСР ОША

Шофиркон туманида Хожа Муҳаммад Ориф ар Ревгари таваллудининг 875 йиллигига бағишлаб туман маданият бўлими ходимлари томонидан театрлаштирилган томошага тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Тантанада шаҳар ва туманлардаги барча маданият уйлари, халқ театрлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва тўгараклари қатнашади. Байрамда асосан ул зоти шарифнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда ижодидан лавҳалар тайёрлаш кўзда тутилган.

«КАЛБОЙ ЭКСТРАСЕНС»НИНГ МУХЛИСЛАРИ КЎП

Қоракалпоғистон Республикаси Чимбой шаҳар Гулхан Шеразиева номидаги халқ театрида драматург, С. Жумағуловнинг «Калбой экстрасенс» комедияси режиссёр Дамир Абдумуродов томонидан сахналаштирилди. Асардаги бош ролларни Қ. Сахарбоев, Т. Алназаров, О. Шониёзовлар ижро этяпти. Бу кизикарли асар биринчи кундаёқ мухлисларда катта кизикиш уйғотди.

Фотима ЖУМАЕВА.

«Обуна-97»

«МУЛОҚОТ» — МАЪРИФАТ ЧАШМАСИ

Жамият янгиланиш томон юз буриб, янги адолатли тузум барпо қилинаётган бир пайтда энг мақбул, энг таъсирчан сўзларни матбуот айтиши табиий бир ҳол. «Мулоқот» журнали мамлакатимизда шундай жараён юз бераётган даврда муштарийлар билан чинакам мулоқот қила бошлади.

Мана олти йилдирки, «Мулоқот» журнали мустақиллик минбари, миллий қадриятлар кўзгуси сифатида сизлар билан ҳамнафас, ҳамдард, ҳамфикр бўлиб ҳаётимизнинг деярли барча қирраларини ўзида акс эттириб келмоқда.

Истиқлол туфайли эришган янги мустақил давлатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, маънавий қадриятларини тиклаш йўлида Сизлар билан ёнма-ён одимламоқда.

«Мулоқот» журналининг 1996 йилги сонларида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Республикамизни кучли, фаровон давлатга айлантиришга қаратилган асарлари, нутқ ва маърузалари таниқли олим ва адиблар томонидан мунтазам ва кенг таҳлил этилди.

Шу маънода «Мулоқот»да кўтарилган миллий истиқлол, бозор иқтисоди, иқтисодий ислоҳотларга доир мақолалар кўпчилик мактаб ва олий ўқув юртларида талабаларнинг асосий қўлланмалари қаторидан ўрин олаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Журналнинг «Муҳаррир мулоҳазалари» рукни остида берилаётган материалларда халқнинг тили ва дилидаги мавзулар қаламга олиняпти. Мунтазам бериб борилаётган бош мақола журнал муқаддимаси, берилаётган материаллар мазмунининг дебочасидир.

«Мулоқот» 1997 йилда ҳам ўз анъанасига содиқ қолади. Унинг саҳифаларида ўзбек халқининг қадимий ва бой тарихи, миллий урф-одатлари, бебаҳо қадриятлари, маданиятимизнинг улуг донишмандлари, Туркистоннинг буюк мутасаввуфлари, ислом динининг атоқли пешволари, забардаст олиму шоирлари хусусида ажойиб мақолалар босилади. Сизни буюк тарихимизнинг ҳали ўқилмаган саҳифалари билан ошно этади.

Янги йилда асрлар давомида мадрасаларда ўқитиб келинган «Чор китоб»нинг ўзбекча таржимасини ўқиш бахтига муяссар бўласиз.

«Маънавият пирлари», «Тасаввуф тариқатлари», «Истиқлол фидойилари», «Муқаддас шаҳарлар» рукнларида буюк алломалар ҳаёти ва аъмоли ҳамда башариятнинг табаррук шаҳарлари билан боғлиқ тарихий воқеалардан танишасиз. Журнал зарварақларида Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Хожа Аҳрор Валий, Камолиддин Беҳзод сингари буюк алломаларнинг суратлари берилади.

1997 йил учун журналга обуна бўлсангиз, дунёдаги энг муқаддас китоблар — «Тавроти шариф», «Забур», «Инжил», «Қуръони мажид» ҳақида ҳам ҳаққоний маълумотларга эга бўласиз. Шунингдек, «Маънавият булоқлари», «Озодлик ва ободлик», «Истиқлол кишиси», «Жамият ва шахс» каби ўнлаб янги рукнлар ҳам Сизларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Журналимиз ташкил этилганидан буён мунтазам равишда давом этаётган «Мулоқот» дафинаси»ни муштарийларимиз севиб қолишди. Мазкур рукнда бу йил ҳам зарур маслаҳатлар, қизиқарли воқеалар, диққатга сазовор фикрларни ёритиш кўзда тутилган.

Азиз муштарийлар! «Мулоқот»га ёзилсангиз, ўзингизга яна бир чин ва ҳақиқий дўст орттирган бўласиз.

«МУЛОҚОТ» ЖУНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ.

АРАБИЙ ТЎП СУРИШЛАР

Футбол

Бирлашган Араб Амирликлари шаҳарларида ўтказилаётган Осиё кубоги учун баҳслар якунланмоқда. Зеро, бунақанги кўтаринкилик ва ҳужумкорлик намойиш этилишини кутмагандик. Айниқса, араб мамлакатлари футболчиларининг ўйинларини кўриб, яқин келажакда Осиё миントақасида ўзига хос футбол мактаби дунёга келаётганини ҳис қиласан киши. Чунки, уларнинг майдонни ҳис этишлари, яхлитлик, яъни бир-бирларини тушуниб, ҳамжиҳатликни ўрнига қўйишлари, тўп ошириш ва ташаббусни қўлга олишдаги ўзига хос устамонлик ана шундан нишона.

Кеча бош соврин учун курашаётган тўрт жамоа ўртасида ярим финал ўйинлари ўтказилди. Курашни ана шу босқичигача имкониятни бой бермай, дадил одимлаш ҳар кимга ҳам насиб этмади. Боиси, тўртинчи декабрь куни 12 жамоа яхши ниятда майдонга тушганди. Ўтган кунлар мобайнида кимларнинг омадлари юришди-ю кимлар қоқилиб қолди. Ҳар қалай мусулмон давлатлари, хусусан, БАА, Қувайт, Эрон, Саудия Арабистони футболчиларини бош соврин учун кўрашни давом эттиришга имкон топишгани кўнгилларга таскин бахш этади.

Маълумки, Бирлашган Араб Амирликлари жамоаси «А» гуруҳида учрашувларни қойилмақом қилиб, 7 та очко билан чорак финалга чиққан эди. Улар курашнинг мазкур босқичида Ироқ жамоасини 1:0 ҳисобида доғда қолдиришди. БАА футболчиларига ярим финалда қайси жамоани рўбарў келиши Қувайт — Япония учрашувида аниқланди. Бош совринга асосий талабгорлардан бўлган японларни Қувайт футболчиларидан енгилиши кутилмаган ҳол бўлди. Қизиғи шундаки, ташаббус ва ҳужумкорлик японларда бўлди-ю, омад эса Қувайт футболчиларида кетди. Улар Япония жамоаси дарвозасини икки марта жавобсиз ишғол қилишди.

Шундай қилиб, ярим финалда БАА ва Қувайт жамоалари ўзаро учрашдилар.

Эрон ва Саудия Арабистони футболчиларини ярим финалга чиқишлари ҳам бетакрор воқеаларга бой бўлди. Чорак финалда Эрон жамоаси Корея футболчиларини қабул қилиб, 6:2 ҳисобида зафар қучишди. Аёнки, эронликлар саралаш учрашувида Ироқ жамоасига имкониятни бой бериб, Таиланд ва Саудия Арабистони футболчиларини енгишган. Корея футболчилари эса тўрт очко билан тўплар нисбати ҳисобида чорак финалга чиқишган.

Ярим тунда ўтказилган Саудия Арабистони — Хитой футболчиларининг учрашуви айниқса қизиқарли бўлди. Учрашув бошидаёқ ҳужумкорликка зўр берган хитойликлар кетма-кет иккита тўп киритиб, олдинга ўтиб олишди. 32-дақиқада араблар ўзларини ўнгладилар. Жавоб тўпи киритилди. Орадан 2 минут ўтгач ҳисоб тенглашди. Шундан кейин Саудия Арабистони футболчилари бор маҳоратларини ишга солиб, шижоат курсатдилар. Ал Жабр ва Ал Маҳайлларнинг ўзаро ҳамкорлиги самарали кечди. Танаффусгача улар ҳисобни 3:2 га етказиб олишди. Танаффусдан кейин томонлар яна биттадан тўп киритиб, ўйин Саудия Арабистони жамоаси фойдасига (4:3) ҳал бўлди. Шундай қилиб, кеча БАА — Қувайт, Эрон—Саудия Арабистони жамоалари ўртасида ярим финал ўйинлари бўлиб ўтди. Яна бир кундан кейин бош соврин соҳиби, ҳамда фахрли ўринларни эгаллаган жамоаларнинг номлари аниқланади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Ўзбекистон Автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни «Ўзавтойўл» жамоаси «ўзйўлтаъминот» бошқармаси бошлиғи, концерн бошқарув аъзоси Мавлон Маликович Абдурахмоновга отаси **Малик АБДУРАҲМОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0694

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА